

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

ШОДИЕВ ОЗОД

ЎЗБЕКИСТОНДА БОҒ-ПАРК САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

5A581001 – “Ландшафтлар архитектураси”

мутахассислиги

“Ландшафтлар архитектураси” бўйича магистр

даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Диссертация кўриб чиқилди

ва ҳимояга рухсат берилди.

“Архитектура назарияси ва тарихи”

кафедрасининг мудири

А.С.УРАЛОВ _____

Илмий раҳбар: арх.ф.д.,проф.

А.С.УРАЛОВ_____

САМАРҚАНД – 2011

Кириш

I-боб. Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг шаклланиш тарихи.....

1.1. Ўрта Осиёнинг қадимги боғлари.....

1.2. Ўзбекистоннинг ўрта асрлардаги боғ-парклар.....

1.3. Хонликлар даври боғ-парклар.....

1.4. Чор Россияси ҳукмронлиги давридаги боғ-парклар.....

I-боб хулосаси.....

**II-боб. Собиқ Иттифок даврида боғ-парк санъатининг шаклланиш
анъаналари.....**

2.1. Ўзбекистоннинг Собиқ Иттифок давридаги боғ-паркчилик санъати

2.2. Боғ-паркларнинг тасниф-тизими.....

2.3. Истироҳат ва маданият боғларининг меъморий шаклланиш
асослари.....

2.4. Махсус парклар ва боғлар.....

II-боб хулосаси.....

**III-боб. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон боғ-парк санъатининг
ривожланишидаги асосий тамойиллар ва анъаналар.....**

3.1. Замонавий боғ-парк санъати ва унинг ривожланишидаги анъаналар

3.2. Мустақиллик йилларида бунёд этилган боғ-парклар.....

3.3. Мустақиллик йиллари боғ-паркларининг функциявий типологияси

3.4. Замонавий боғ-парк санъати дизайни ва ўсимликларни танлаш.....

III-боб хулосаси.....

Якуний хулосалар, диссертация натижалари ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Маълумки, фуқаролар саломатлиги жамиятнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Инсон саломатлигини тиклашда, унинг ҳам маънавий ҳам жисмонан баркамол бўлишида, шунингдек унинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлашда боғларнинг аҳамияти бекиёсдир. Амир Темур ва темурийлар давридаёқ бу соҳага катта эътибор қаратганини “Чор боғ”лар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз ҳудудида боғ-парк санъати намуналарини учратамиз. Уларнинг кўп қисми қайта таъмирланиб, халққа хизмат қиляпти. Аммо боғларнинг аксарият қисми эътиборга мухтож.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда чиқарган 322 - сонли “2011 – 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори бу соҳа ривожига давлат миқёсида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа соҳалардаги каби, боғ-истироҳатчилик санъатида ҳам унут бўлган ва топталган миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, уларни ўрганиш ва аниқлаш, боғ-истироҳатчиликдаги илғор тарихий тажрибаларимизни амалиётга тадбиқ қилиш, уларни замонавий умумжаҳон тажрибалари билан мувофиқлаштириш каби долзарб вазифалар қўйилмоқдаки, булар бугунги кунда нафақат ландшафт архитекторлари ва меъморлар учун, балки шаҳарсозлар, экологлар, боғбонлар, дизайнерлар, муҳандислар учун ҳам долзарбдир.

Боғларни икки хил йирик функциявий гуруҳга бўлиш мумкин: хўжалик боғлари ва истироҳат боғлари, яъни меъморий боғлар.

Хўжалик боғлари, маълумки, жамиятнинг ободончилик, тўқлик, мўлкўлчилик белгиси бўлиб, улар, одатда, шахсий манфаатлар ва хўжалик эҳтиёжлари учун яратилади. Улар ҳовлилар қошида томорқа ва ҳовли боғлари тарзида ёки шаҳар четлари ва ташқариларида текис, нишаблик ёки тоғлик жойларда қўрғонча боғлар тарзида бунёд этилган.

Хўжалик боғларини яратиш асосан боғбонлар иши бўлиб, уларда ўтмишда турли-туман мевали дарахтлар, апелсин ва хурмолар, лимонлар, узумзорлар ва анжирзорлар бўлган. Дехқончилик ҳам хўжалик боғларидан фарқ қилиб, деҳқонлар ўз ерларига сабзавот, зироат ва дон экинларини экканлар. Хўжалик боғларининг бирор қисми деҳқончилик экинларига ҳам ажратилган бўлиши мумкин. Бироқ, улар, одатда истироҳат учун мўлжалланмади. Биз ўрганаётган боғ-парклар, асосан, истироҳат мақсадларига, инсонларнинг сайр қилиши, дам олиши ва ҳордиқ чиқариш эҳтиёжларига мўлжалланган. Уларни яратишда боғбонларнинг ҳам ўрни бор албатта, бироқ, асосий ролни бу ерда меъморлар бажарган. Чунки, боғ-парклар аввал пухта лойиҳаланиб кейин қурилган.

Истироҳат турларига қараб боғ-парклар ҳам турлича бўлган. Шартли равишда истироҳат турларини фаол, яъни актив ва суств (пассив) гуруҳларга бўлиш мумкин. Шунга мос равишда боғ-паркларнинг функционал йўналишлари ҳам турлича. Масалан, тинч дам олиш ва сайр қилиш боғлари ёки турли ўйинлар ва томошаларга мўлжалланган аттракцион боғ-парклар ва ҳоказо.

Меъморлар истироҳат боғларининг меъморий режавий тузилишини, яъни асосий ғоясини, истироҳат бинолари ва қурилмаларини, ташқи ободонлаштириш жиҳозлари, бидий безаклар, тўшамаларни яратишда, боғ худудининг умумий ва алоҳида ландшафт ечимларини ишлаб чиқишда асосий ўринни эгалласа, боғбонлар меъморларга бу ишларни амалга оширишда ва экилган ўсимликларни парваришда яқиндан ёрдам берган. Шунинг учун ҳам истироҳат боғлари кўпчилик адабиётларда “меъморий боғлар” деб аталган.

Истироҳат боғлари, яъни боғ-паркларнинг асосий қисми инсонларнинг истироҳат турларига ва табиатга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Ўтмишда улар турли-туман кўринишларга эга бўлган. Боғ-саройлар, чорбоғлар, боғу-бўстонлар, гулистонлар, боғ-кўрғонлар, кўриқхоналар, боғ-ансамбллари шулар жумласидандир. Хуллас, боғ-парклар деганда биз хўжалик боғларини эмас, балки меъморий истироҳат боғларини, уларнинг турли кўринишлари ва шакллари тушунишимиз керак.

Боғ-паркларнинг турли мамлакатлардаги ривожини турли даврларда турлича кечган бўлса-да, уларнинг шаклланиши ҳамма вақт жойлардаги муайян табиий-иқлим шароитларга, иқтисодий, маданий, диний эътиқодларга, инсонларнинг атроф муҳит ва табиатга бўлган муносабатига жиддий боғлиқ бўлган. Юқорида келтирилган маълумотлар боғ-парк санъатининг ўзига хослигини ва уни қунт билан ўрганишни тақозо этади.

Замонамизнинг ҳозирги тезкор ривожланаётган глобаллашуви шароитида Ўзбекистон минтақавий боғ-парк санъатини идентификациялаш мақсадида нафақат мавжуд муаммоларни таъкидлаш ва кўрсатиб бериш зарур, балки Республикада боғ-парк санъати тараққиётининг янги йўналишларини аниқлаштириш ва бу масалага минтақавий ёндашиш концепциясини ишлаб чиқиб, уни фан, амалиёт ва таълим тизимларига жорий қилмоқ керак.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ўзбекистонда “Боғ-парк санъати” мавзусига доир адабиётлар сони жуда кам. Бу соҳадаги адабиётлар Собик Иттифок даврида, асосан Россияда, рус тилида чоп этилган. Б. И. Кахнонинг “Садово-парковое искусство” (М., 1980), Д.С.Лихачевнинг “Поэзия садов” (М., 1982), В.А.Горохов, Л.Б.Лунцларнинг “Парки мира” (М., 1985), С.С.Ожеговнинг “История ландшафтной архитектуры” (М., 1994) китоблари шулар жумласидандир. Ушбу мавзуга доир ўзбек тилида нашр этилган адабиётлар қаторига Ў. Алимовнинг «Ўрта асрларда Моваронуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи» (Т., 1984), Д.Нозиловнинг “Чорбоғ” (Т., 1997), Л.А.Адилованинг «Ландшафт архитектураси» (Т., 2002), С.С.Ожегов,

А.С.Уралов, К.Рахимовларнинг “Ландшафт архитектураси ва дизайни” (С., 2003) номли китобларини киритиш мумкин.

Мазкур масала бўйича турли даврларда Ўзбекистонда нашр этилган рус ва ўзбек тилларидаги қатор илмий ва оммабоп мақолалар мавжудки, уларнинг муаллифлари тарзида Г.А. Пугаченкова, М.С. Булатов, М.С. Тахтаходжаева, Т.Ф. Қодирова, А.С.Ўралов, К.Д.Рахимов, М.К. Ахмедов, П.Ш. Зоҳидов, Г.И.Коробовцев ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Боғ-парк санъатининг сермазмун ва серфайз бой тарихий тажрибалари билан танишиш нафақат бўлажак меъморлар, ландшафт архитекторлари ва дизайнерлари, шаҳарсозлар учун, балки боғбонлар, экологлар учун ҳам ўта қизиқарлидир.

Бунинг устига Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгач, бошқа соҳалардаги каби, боғ-парк қурилишининг миллий йўналишига, бу соҳадаги тарихий бой тажрибаларимизни чуқур ўрганиш ва аниқлашга, уларни қайта тиклаш ва амалга киритишга, умуман Республикамизда миллий боғ-парк санъатини яратишга ва ривожлантиришга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Шарқнинг таниқли олими Абу Наср Форобий яратилган ёки кашф этилган ҳар қандай санъат асари ҳақида қуйидаги қизиқарли фикрни билдиради: “Кимки энг гўзал ва фойдали нарсани яратса ёки кашф этса, яратган нарсаси нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам хоҳишига мувофиқ бўлса, ўша кашф қилинган ва яратилган нарса ҳақиқатдан ҳам хайрли ва фойдалидир”. Дарҳақиқат, боғ-парк санъати ҳам инсониятнинг ана шундай хайрли ва фойдали, кўҳна ва ҳамиша навқирон санъат турларидан биридир. У инсоният жамиятининг энг қадимги даврларидан бошлаб шаклланган, ривожланган ва такомиллашиб келган. Ҳар бир ўлка ва мамлакатнинг бу соҳадаги ўз тажриба ва меъморий-бадий, ландшафт услублари, тартиб-қоидалари борки, уларни ўрганиш фойдадан ҳоли эмасдир.

Диссертациянинг мақсади. Ўзбекистон ва Собиқ Иттифок даври боғ-парк санъатининг ҳамда Мустақиллик йиллари боғ-парк санъатидаги замонавий анъаналарни ўрганган ва уларга таянган ҳолда Республикамиздаги боғ-парк санъатининг шаклланиш ва ривожланиш тамойилларини аниқлаш ва уларни ҳаётга жорий қилиш таклифларини ишлаб чиқишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари унинг мақсадида кўрсатилган муаммони ечишга қаратилган бўлиб, асосан қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг шаклланиш тарихини ўрганиш;
2. Собиқ Иттифок даврида боғ-парк санъатининг шаклланиш анъаналарини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон боғ-парк санъатининг ривожланишидаги замонавий йўналишларни аниқлаб бериш;
4. Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг шаклланиши ва ривожланиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот услуби муаммога комплекс илмий ёндошувга асосланган бўлиб, қуйидаги хусусий илмий изланиш услубларини ўз ичига олади:

- муаммога доир илмий ва махсус адабиётлар, лойиҳа ва ҳужжатларни ўрганишдан тўпланган материалларни таққослаш усулида таҳлил қилиш;
- боғ-парк санъатига доир тарихий тажрибалар, ютуқлар, анъаналар ва ижодий йўналишларни ўрганиш ва умулаштириш.

Тадқиқотнинг объектлари. Ўзбекистон боғ-парк санъатига доир тарихий ва замонавий объектлар: боғлар, парклар, махсус парклар, маданият ва истироҳат боғлари, миллий боғ.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари.

Тадқиқотнинг янгилиги. Мазкур мавзу ва илмий муаммо Ўзбекистон шаҳарсозлиги ва боғ-парк санъатига доир илму-фанда илк бор магистрлик диссертацияси ҳажми ва мавзуси тарзида тадқиқ этилган. Унда Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг шаклланиши ва ривожланиш тамойиллари илк бор ишлаб чиқилган, Ўзбекистон халқининг боғ-парк санъати соҳасидаги

тарихий миллий қадриятлари ва замонавий анъаналари ҳисобга олинган ва таҳлил қилинган.

Мазкур ишда боғ-парк санъати нафақат моддий амалий омилларга, балки боғ-парк санъатининг шаклланиши ва ривожланишидаги этнографик рамзий символик қадриятларга ҳам асосланган.

Тадқиқот чегаралари мазмуний, географик ва хронологик доираларни ўз ичига олиб, мазмун жиҳатидан Ўзбекистон боғ-парк санъатининг шаклланиш ва ривожланишига таъсир қилувчи барча омилларни қараб чиқиш, географик назардан Ўзбекистон тарихий- маданий минтақасини, унга кўшни бўлган республикалар ва хорижий Шарқ давлатлари боғ-парк санъати тажрибаларини, хронологик нуқтаи назардан эса қадимги даврлардан тортиб то ҳозирги кунларгача бўлган ривожланиш босқичларини қамраб олади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқотнинг хулосалари ва таклифлари мавзуга доир илмий ишларда, Республика боғ-парк санъати амалиётида, боғ-паркларни лойиҳалаш ва қуришда ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик, ландшафтлар архитектураси таълимлари тизимида ва ушбу таълимлар мутахассисликларининг ўқув жараёнида фойдаланиши мумкин.

Ишнинг апробация-синовдан ўтганлиги. Диссертациянинг асосий ҳолатлари қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган:

-“Ўзбекистонда анъанавий меъморчилик ва ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг янги масалалари” (Самарқанд, СамДАҚИ, 2010);

-“СамДАҚИ ёш олимлари, аспирантлари, магистрлари ва иқтидорли талабаларининг илмий конференцияси” (Самарқанд, СамДАҚИ, 2010, 2011);

-шунингдек, мазкур илмий иш материаллари СамДАҚИ архитектура факультетининг илмий семинарларида ва “Ландшафтлар архитектураси” таълим йўналиши талабаларига ўтиладиган “Боғ-парк санъати” фаниниги маърузалар матнини тайёрлашда ҳам фойдаланилди.

Диссертациянинг таркиби кириш, 3 та боб, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми ____ бет.

Низомга кўра диссертация иши А4 (21х29) формат қоғозда компьютерда 1.5 интервалда, 14 шрифтда ёзилди.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОҒ-ПАРК САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

1.1. Ўрта Осиёнинг қадимги боғлари

Ўрта Осиёнинг қадимги боғлари Ахамонийлар сулоласига асос солган подшоҳ Кир II ва унинг давомчилари (милоддан аввалги 545-330 йиллар) давридаёқ шакллана бошлаганлиги манбалардан маълум. Жумладан, қадимги Эронда давлат томонидан ташкил этилган махсус боғ-қўриқхоналар мавжуд бўлиб, уларда турли ҳайвонларни сақлаш, урчитиш ва ов қилиб дам олиш учун зарур шароитлар яратилган. Булоқлар, дарахтзорлар ва ўрмонзорларга ғарқ бўлган бундай боғлар баланд деворлар билан ўралиб, ов қилиш учун махсус буржлар ва қулай жойлар қурилган. Ахамонийлар даврида ва кейинчалик Сосонийлар даврида (эрамизнинг 200-600 йй) бундай боғлар «пайридез» деб аталган [35]. Бунда «пайри» (атроф) ва «дез» (девор) - атрофи девор билан айлантирилган боғ маъносини билдирган. Бундай сифатли ов боғлари ўзининг кенглиги, танланган ландшафти ва гўзал табиати билан ажаралиб турган.

Қадимги Эрон шоҳлари ўзлари қурдирган улкан саройлари қошида ҳам боғлар яратган. Қадимги Персепол саройи қошидаги боғ шундай боғ жумласига кирган.

Ҳинд олими М.Рандхаванинг фикрича, Эрон шоҳи Кир II Эрон ва Туронда “чорбоғ”лар бунёд этган илк ҳукмдор ҳам ҳисобланади. Қадимги Эроннинг пойтахти Пасаргад шаҳри атрофида эрамизгача VI асрда яратилган чорбоғ ана шундай боғларнинг бири саналган [20].

Тарихчи Ксенофонтнинг ёзишича, Кир яратган “Чорбоғ” мунтазам симметрик режавий ечимга эга бўлиб, ундаги хиёбонларни серсоя дарахтлар, хушбўй ўсимликлар, гуллар беаган. Боғ тўрт қисмга бўлиниб, унда турли-туман манзарали ва мевали дарахтлар экилган, ариқлар ва шаршаралардан шарқираб сув оққан. Чорбоғлар Эроннинг сувга танқис иссиқ иқлими

шароитида сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш тажрибаси асосида яратилган бўлса ажаб эмас.

Қадимги Эрон боғларида чинор дарахти кўпроқ экилган. Бу боғлар экзотик ўсимликлар, хонаки ҳайвонлар, ҳовузлар, табиий ҳавзалар, кўшклар, кўшк олдилари гулчаманлар билан безатилган. Боғларда зилол сувли булоқлар бўлган. Буларнинг барчаси боғларга фирдавсмонанд манзара берган. Қадимги Эронда “Бўстон” деб аталувчи мевали боғлар ҳам кенг анъана бўлган. Саъди Шерозийнинг шу номли поэмаси бунинг исботидир.

Эрон гуллар шоҳи атиргулнинг ватани деб ҳам бекорга айтилмаган. Атиргул боғларига «Гулистон» деб ном берилган. Ҳатто Эрон миллий эпосининг номи ҳам «Гулнома» («Атиргул ҳақидаги поэма») деб номланган. Эрон, нафақат атиргулнинг, балки сирен, лолагул, чиннигул, наргислар ватани ҳамдир. Ёзишларича, Қадимда Эроннинг пойтахти бир вақтлар Сўза, яъни Лилия гулининг номи билан аталар экан. Умуман олганда Эрон боғ-паркчилик санъати бутун Қадимги Шарқ боғларининг ривожига катта таъсир кўрсатган. Қадимги Шарқ боғ-паркчилик санъатининг эса дунёнинг кўпгина боғлари - Туркия ва Испанияда Мавритан боғлари, Қримда татар хонлари боғларининг вужудга келишида ўзига хос ўрни бор.

Ўрта Осиё боғ-паркчилик санъати тарихига бағишланган илмий адабиётлар бир талай бўлсада, улар асосан исломдан кейинги даврни, аниқроғи XI асрдан то XVIII асрларгача барпо этилган боғлар тарихини қамраб олган. Улар ичида кенгроқ ўринни Амир Темур ва темурийлар даври боғ-паркчилик санъати эгаллайди. Г.А.Пугаченкова, В.И.Вяткин, И.О.Сухарев, Ў.Алимов, М.С.Тўхтажоева, П.Ш. Зоҳидов, М.С.Булатов, А.С.Уралов, Т.Ш.Ширинов, А.Бердимуродовлар масаланинг айнан ушбу даврига эътибор қаратганлар.

Бироқ бизга тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, Шарқ мамлакатларида боғлар яратиш санъати меъморчилик ва шаҳарсозликнинг муҳим таркибий қисми тарзида жуда қадим замонлардан бошлаб тараққий топган.

Масалан, Суғдиёнанинг қадимги боғ-парклари ҳақида антик давр муаллифлари, жумладан Диодор ва Квинт Курций Руфлар хабар беради. Уларнинг ёзишича, бундай боғлар учун, одатда, мавжуд кенг яшил майдонлар, сувлоқ тоғ олди яйловлари ва қалин ўрмонзорлар танланиб, улар ҳукмдорларнинг ов қилишлари ва дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган. Уларда ҳатто ов пайтида фойдаланиладиган махсус буржлар ва иморатлар қурилган. Боғларда турли хил ёввойи ҳайвонлар сақланиб ўрчитилган [35]. Бундай боғлар ўша давр ҳукумдорларининг бойлиги, яшаш, дам олиш ва истироҳат услубларидан дарак беради. Бу боғлар махсус тарҳ асосида қурилганми ё йўқми, бу ҳақда бирор нарса дейиш қийин. Бироқ, улар ўзларининг шаклланиш омиллари, эгаллаган жойлари ва табиий манзараларига қараб мунтазам режали меъморий боғлардан кескин фарқ қилган. Шу боисдан уларни эркин режали манзарали истироҳат боғлар туркимига киритиш мумкин.

“Македониялик Искандар тарихи”нинг муаллифи римлик Квинт Курцийнинг ёзишича, Искандар Суғдиёнага бостириб келганда “Базайра” номли жойда барпо этилган манзарали боғда аскарлари билан ов қилиб дам олади ва ов пайтида тўрт минг ҳайвонни отиб ўлдиради. Тарихчи олимларнинг фикрича, ушбу боғ Мароқанд шаҳрига, яъни қадимги Самарқандга яқин жойда бўлган. Боғ жойлашган жойни қадимги юнон тарихчиси Диодор “Базайра” эмас, “Басиста” деб номлаган. Олима Е.Мончадская эса “Басиста”ни “Боғистон” сўзининг юнонлаштириб ёзилган кўриниши эмасмикан, деган фикрни билдиради. Тарихчи В.Томашек эса Басистанинг жойини Ургут тумани ҳудудига тўғри келади, деб тахмин қилади. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, бу боғ ўта кенг тоғлиқ яйловларга, қалин дарахтзорларга, турли хил ёввойи ва қўлга ўргатилган ҳайвонларга бой бўлган [40].

Шунингдек, антик давр манбаларида Афғонистондаги Тошқўрғондан мозори-Шарифгача бўлган кенг яйловларда Амударёнинг ўнг соҳилига яқин тўқайзорларда қадимги замонлардаги подшоҳларнинг ҳайвонлар

ўстириладиган ва сақланадиган улкан боғлари бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Уларда сон-саноксиз кийиклар ва ёввойи чўчқалар тўдаси, улар орқасидан тушган бўрилар галаси ва ҳатто гўёки шерлар ҳам ўстирилган. Ана шундай шерларнинг қўшни Тожикистонда ҳам бўлганлиги ҳақида эрамизнинг бошида Хитой йилномаларида эслатиб ўтилади. Масалан, эрамизнинг 87 йилида Кушон элчилари Туркистондан хитой подшоҳларига совға сифатида шерлар элтган. Тахминан шу жойларда 1256 йили Чингизхоннинг ўғли Хулагухон ҳам шерларни ов қилган, шерлар ҳақида машҳур хитой сайёҳи Марко Поло ҳамда XV аср муаллифлари ҳам эслатиб ўтади [41].

Тожикистондаги Муғ қасридан топилган (VIII аср) ҳужжатларининг биридан Панжикент ҳокими Деваштичнинг баланд деворлар билан ўралган истироҳат боғи – “парадиз”и бўлганлиги ҳақида хабар беради. Деваштичнинг ушбу боғи шаҳардан ташқарида, Панжикент тоғликларида жойлашган деб тахмин қилинади. Ўша ҳужжатларда ушбу боққа махсус бошлиқ тайинланганлиги ҳам кўрсатилган. Бу нарса боғни ҳақиқатдан ҳам кўриқланганлиги ҳамда ҳукумдор Деваштич ҳаётида алоҳида аҳамият касб этганлигини билдиради.

1.2. Ўзбекистоннинг ўрта асрлардаги боғ-парклари

Милoddан аввалги II асрларда Ўрта Осиёдаги Парфия давлатининг подшоҳлари ўзлари учун саройлар қурдириб, уларнинг атрофини тартибли режадаги боғлар ва сув ҳавзалари билан ўраган. Демак, чорбоғлар Эрон ва Туроннинг исломгача бўлган боғларига ҳам хос меъморий услубиятдир.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг қадимги ва исломгача давридаги боғ-паркларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин: ов қилишга ва қўлга ўргатилган турли хил хайвонлар сақлашга мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги боғ-қўриқхоналар, ҳукмдорларнинг оилалари билан дам олишга мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги боғ-саройлари (чорбоғлар) ва

шаҳар ичидаги, унинг майдонларида бунёд этилган мўъжаз боғчалар. Ҳар уччала йўналишдаги бу боғ-парклар Ўрта Осиёда исломдан сўнгги даврларда ҳам сақланиб қолди ва ривожлантирилди.

Ҳайвонотга бой, яйлови кўкаламзор боғлар бунёд этиш анъанаси Ўрта Осиёда ўрта асрларда ҳам давом эттирилган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида ёзилишича, Қорахоний Шамс ал-Мулк (1068-1080) Бухорога ҳоконлик қилган даврида шаҳарнинг Иброҳим дарвозасига яқин бўлган қарийб ярим фарсанг жойда гўзал боғ бунёд этиб, ул жойга “Шамсобод” деб ном беради [24]. Шамсободга туташ жойда кенг ўтлоқ (ўлан) ташкил қилиб, уни “қўриқ” деб атайдди. Қўриқ атрофини девор билан ўраб, ичига подшоликка хос қаср ва каптархона қуради. Қўриқда қўлга ўргатилган турли ҳайвонлар: буғи, кийик, тулки ва айиқлар сақлайди. Ҳайвонларни парвариш қилиб турадиган махсус кишилар тайинлайди. Хуллас, Шамс ал-Мулк ушбу боғни дам олиб ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган махсус қўриқхонага айлантирган эди. В.В.Бартольднинг ёзишича, Бухорода ислом даврида ўз уйлариининг яримини арабларга бўшатиб бериб, улар билан ёнма-ён яшашдан бош тортган маҳаллий зодагонлар шаҳристонни буткул тарк айлаганлар ва шаҳар атрофидан ўзларига янгитдан жой қилиб саройлар қурганлар ва ҳар бир сарой дарвозаси олдида боғ ва ўтлоқ бунёд этганлар. Бундай саройлар ва сарой атрофи боғларининг сони 700 га етган ва шаҳристонга кўра анча катта жойни эгаллаган [35].

Х асрда Самарқандга сайёҳатга келган араб географи Ибн Хавкал шаҳардаги яшил майдонлар ва улардаги турли хил оройишлар ҳақида куйидагиларни ёзади: «Шаҳар аркдан, шаҳристон ва унинг атроф жойларидаги рабодлардан иборат... Арк тепасига чиққанимда киши фақат тушида кўрувчи ниҳоятда ҳаяжонлантирарли кўринишдан қалбим завқланди: кўм-кўк дарахтлар, ярқираган қошоналар, шарқираб оқаётган анҳор ва жилғалар, атроф чет чаман, гулгун табиат. Ҳар бир жой, ҳар бир дарахт, ҳар бир гуллаётган боққа қараб қалбинг қувонади. Шаҳар майдончалари гўзаллигининг эса чеки йўқ. Сарв дарахтларига ўта ғалати оройишлар

берилган. Булар бир-бирига зимдан ташланмоқчи бўлиб турган ёки бир-биридан ҳадиксираётган, ё эҳтимол танишмоқчи бўлаётган яшил сунъий филлар, туялар, сигирлар, ёввойи ҳайвонлар шаклини эслатади. Киши калбини очадиган бундай яшил оройишлар ҳар қадамда. Буларга шарқираган ариқлар, балиқларга тўла ҳовузлар, дам олишга қулай кўшк ва шийпонлар қўшилган [33]».

Ибн Хавкал яна бир бошқа жойда шаҳарнинг марказий қисмидаги кўпчилик уйларнинг мевали боғлари, барча ҳовлиларнинг суғориш ариқлари борлигини эслайди. «Шаҳар боғларга бурканган, агар унга юқоридан карасангиз ҳатто уйлар кўринмай кетган», дейди.

Ибн Хавкалнинг ушбу ёзганлари Самарқандда боғлар бунёд этиш анъанаси жуда қадимдан, яъни бу ерга Ибн Хавкал келгунга қадар ҳам мавжуд бўлганлигига, X асрнинг охирида эса шаҳар ичидаги яшил майдонларда манзаравий дарахт ва буталар кузалганлигига, яъни дарахтлар оройиши санъатининг ҳам Самарқанд учун анъанавийлигига, ўзига хослигига ишорадир [23].

Археологик маълумотлар бизга ўрта асрларда Хоразмда ҳам боғ-паркчилик санъатининг ривожланганлигидан дарак беради [6]. XII асрда Хоразмшоҳлар давлатининг мустақамланиши Амударё воҳаларида бир қатор: Женд, Вазир ва Шохсанам боғ-парк мажмуаларининг вужудга келишига имкон яратади. Бу боғлар шаҳардан ташқарида қулай иқлимли ва кўркем ландшафтли жойларда жойлашиб, шоҳларнинг оилалари билан ёз пайтлари яшашига ва дам олишига мўлжалланган боғлардир. Атрофи девор билан тўсилган бу боғлар саҳни нисбатан текис бўлиб, боғда сарой, боғ кўшклари, хўжалик иморатлари, мевали боғлар, хиёбонлар, ҳовузлар бўлган. Боғ мажмуаси тўғри чизиқли мунтазам режавий ечимга эга бўлиб, дарвозадан кирилгач бош хиёбон боғ марказида жойлашган асосий бино-сарой ва унинг ёнидаги ҳовузга этилган. Боғ саҳни катта ва кичик боғчалар ва чаманзорларга бўлинган. Бу давр боғларининг меъморий иншоотлари асосан хом ғишт, пахса ва синчкор иморатлардан иборат бўлиб, давр ўтиши билан бузилиб кетган.

Ибн Баттута Ўрта Осиёга қилган саёҳати ҳақида ёзар экан Мовароуннаҳр султони Тармашириннинг (1326-1334) ҳам овга мўлжалланган боғ қўриқхонаси бўлганлигини эслатиб ўтади [42]. У Тармаширинни сўнги бор унинг ана шу қўриқхонаси йўлида кўриб хайрлашган ва сўнг Самарқандга қараб йўл олган. Демак, қўриқхона Бухоро атрофида, Самарқанд йўлига яқин жойда бўлган кўринади.

Маълумки, Амир Темури ва Мирзо Улуғбеклар ўз замонларида Самарқанд шаҳри атрофларида 14 та турли боғ-роғлар яратган эдилар. Ушбу боғлар орасида ов қилиб кўнгил очишга мўлжалланган боғлар ҳам бўлган. Жумладан, Амир Темурнинг Боғи Жаҳоннамо, Боғи Беҳишт, Боғи Қорача ва Давлатобод боғлари ана шундай мақсадларда фойдаланилган. Бу боғлар эгаллаган ҳудудлар ва уларнинг майдони Темурнинг бошқа боғларига нисбатан анча катта бўлиб, уларда ов учун мўлжалланган махсус ёввойи ҳайвонлар ва паррандалар сақланган. Масалан, Давлатободда кийик ва қирғовулар сақланган бўлса, Жаҳоннамо ва Боғи Беҳиштнинг махсус ҳайвонот хоналари бўлган. Боғлар учун танланган жойлар ҳам ов қилиб дам олишга қулай, кўнгил очар жойлар бўлган. Бу боғларда овга мослаштирилган қурилмалардан ташқари дам олишга мўлжалланган шоҳона кўшк-саройлар ҳам бўлган. Бу эса уларнинг нафақат боғ-қўриқхона, балки боғ-саройлар вазифасини ҳам бажарганлигидан далолат беради.

Қўриқхона боғларни ташкил этиш Ўрта Осиёда сўнги асрларда ҳам давом эттирилган. Жумладан, Қўқон хони Худаёرخоннинг ов учун ташкил этилган махсус қўриқхонаси бўлган [38].

Боғлар бунёд этиш ва уларга оройиш бериш санъати Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб шаклланиб келганини биз юқорида кўриб ўтдик. Бунга Ўрта Осиёнинг ўзига хос иқлими, серқуёшлиги, узоқ иссиқ ёзнинг ўткир таъсиридан сақланишга қаратилган ҳаракат ҳам сабаб бўлган. Бадавлат одамлар дастлаб мўъжаз оромгоҳлар бунёд этиб жазирама ёз кунларида соя салқин боғларда, ҳовузлар қошидаги супали шийпонларда, шаббода жойларда дам олишган. Бундай оромгоҳларда, одатда, серсоя манзарали дов-

дарахтлардан ташқари турли-туман мевали дарахтлар, гуллар, хўжалик учун тоқлар ва бошқа экинлар ҳам экилган. Бундай боғлар кўпинча шаҳар атрофларида, тоғ ёнбағирларидаги қияликларда, булоқ бўйларида бунёд этилиб, ёз кунлари уларга кўчиб ўтилган. Экинлар учун ер текисланиб челлар ишланган, ариқлар олинган, ховуз, шийпон, айвонлар, супалар, улар олдида мўъжаз гулзорлар ташкил қилинган. Ҳоким ва амалдорларнинг шаҳар четларидаги бундай оромгоҳлари атрофи пахса деворлар билан айлантрилиб, дарвозалар ишланган [16]. Улар ёзги кўрғонча боғлар кўринишини олган. Бундай боғлар сахни ўқ ариқлар билан бир неча, одатда, тўрт қисмга бўлиниб, «чор-боғ» ҳосил қилинган. Ўқариқлар бўйлаб довдарахтлар, улар остидан сайргоҳ йўллар - хиёбонлар ишланган. Бу қисмлар ҳам катта-кичиклигига қараб йўлакчалар ва ариқчалар ёрдамида тўрт ва ундан кўп алоҳида бўлакларга бўлиниб, «чорчаман»лар ҳосил қилинган. Чорчаманларга турли хил мевали дарахтлар, улар орасига чиройли ва хушбўй гуллар экилган, сайр учун йўлакчалар ўтказилган. Шундай симметрик ва мунтазам хандасавий тартибда режаланган боғлар халқ орасида, пировардида «чорбоғ» номини олган. Бадавлат оилалар ўз чорбоғлари ичига чиройли шийпонлар қуриб, ёз ойлари меҳмонларни шу боғларга таклиф қилишган. Бундай мўъжаз кўрғонча-чорбоғлар сув манбаларига яқин, нисбатан текис жойларда бунёд этилган [39].

Херман Вамбери ўзининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китобида Самарқандни мўғуллар истило қилганда (1221 й.) бу ердаги «уста боғбонлар узоқ Шарққа, мўғуллар юртига юборилган эди» деган фикрни билдиради. Маълумки, мўғуллар Самарқандни бир ярим асрга яқин давр ичида мустамлака қилиб турган. Ана шу узоқ йиллар давомида Самарқанд ва Мовароуннаҳрда деярли тўхтаб қолган боғчилик санъатини Амир Темур қайтадан ривожлантирди. Энди у кўрғонча кўринишидаги боғлар ва шаҳар ичи майдонларидаги мўъжаз боғлар билан чегараланмасдан, шаҳар атрофларидаги хушманзара жойларда катта-катта истироҳат боғ-саройларини ва улардаги турли хил гўзал оройишлар ва боғ зийнатларини авж олдирди.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР БАРПО ЭТГАН БОГЛАР

Самарқанд, XIII -XV асрлар



Муаллиф: архитектор Жонузоев А.,
Картограф Қўзибоев М.

Амир Темур бунёд этган истироҳат боғ-саройлари ўзларининг кенг кўлами, хуш ҳавоси, гўзал манзаралари, эртакнамо сарой ва кўшклари, ғаройиб ҳовуз ва фавворалари, беозор жонзотлари билан мўъжаз қўрғонча-чорбоғлардан ажралиб турган. Аммо истироҳат боғлари ҳам қўрғонча-чорбоғлар каби атрофларидан баланд деворлар билан айлантирилиб, дарвозалар орқали кириб чиқилган. Темур бунёд этган айрим истироҳат боғларининг майдони жуда катта бўлиб, улар ичида серсоя дарахтзорлар, турли меваги боғлар, ҳовузлар, гулзорлардан ташқари майсазорлар, ҳатто ўт-ялангликлар бўлган.

Темурнинг шаҳар Арки ичида Бўстонсарой қошида мўъжаз чорбоғ ҳам ташкил этганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, манбаларда шахзода Муҳаммад Султон курдирган мадраса (ҳозирги Гўри Амир) атрофида «Бир нечта уйни бузиб жаннат мисол бир боғча» яратилганлиги ҳам эслатиб ўтилади. Аммо, боғларнинг асосий қисми шаҳар атрофларида, хисордан ташқарида маҳобатли истироҳат боғ-саройлари тарзида бунёд этилган. Темурнинг ўзи ўндан зиёд шундай боғларга асос солган эди. Қуйида уларни санаб ўтамыз.

Боғи Нақши Жаҳон. Бу боғ XIV асрнинг 70- йилларида бунёд этилган деб тахмин қилинади. У Чўпон-ота қирлигининг жанубий этагидаги Обираҳмат ариғининг атрофларидаги ерларда жойлашган. Боғда зебу - зийнатга бой ҳашаматли сарой ҳам қурилган [25].

Боғи Биҳишт. Темурнинг ёш хотинларидан бири Туман оқа учун 1378 йили шаҳарнинг жанубий-ғарбий тарафида бунёд этилади. Боғда сунъий тепалик устига оқ мрамрдан ишланган кўшк тикланади.

Амирзода Шохрух боғи. Бу боғни 1394 йили Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзонинг Кавказорти юртлирига қилган юришидан қайтиши шарафига қурилган деб тахмин қилинади. Шарафиддин Али Яздий ушбу боғни Самарқанднинг ғарб томонида, Чорраҳа дарвозасига яқин ерда жойлашганлигини ёзади.

Боғи Дилкушо. Шарафиддин Али Яздийнинг фикрича, бу боғ, Мовароунахрнинг энг яхши боғларидан бири бўлган. Боғда маҳобатли ва мунаққаш гумбазли уч равоқли кўшк-сарой ҳам қурилган бўлиб, у боғга садафдаги марварид каби эртакнамо чирой бериб турган. Айрим адабиётларда, ушбу боғ бизгача сақланиб қолган Ишратхона обидасининг атрофида қурилган, Ишратхонанинг ўзи эса ўша жаннатсимон боғнинг кўшки бўлган дейилади. Кўшк деворларида Амир Темурнинг Ҳиндистон юришидаги жанг манзаралари тасвирланган. Али Яздийнинг хабар беришича, боғ қурилиши 1396 йилнинг кўзида бошланган. Боғ Темурнинг кичик хотини Тўкалхонимга атаб бунёд этилади ва нихоятда дилкушо ва кўркли бўлганлигидан «Боғи Дилкушо» деб номланади [25].

1404 йилнинг сентябрида Темурнинг қабулида бўлган испаниялик элчи Клавихо бу боғда фавворадан сув отилиб, сув юзида қизил ва оқ олмалар қалқиб турганлигини, боққа кириладиган дарвоза жуда кенг ва юксак, олтин ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилганлигини, боғда устига тахтиравон ўрнатилган олтига фил борлигини ёзади. Бу филлар, фикримизча, соҳибқирон ва унинг оила аъзолари ёхуд улуғ меҳмонларни кенг боғ бўйлаб сайр этиришда улов вазифасини бажарган кўринади.

Боғи Шамол. Темурнинг набираси - Мироншоҳнинг қизи Бека Султон номига атаб Самарқанддан ғарб томонда барпо этилади. Боғда 1397 йили «дилни ром этувчи гўзал ва баланд қаср» ҳам қурилади. Қасрнинг тархи - лавҳасини Темурнинг ўзи кўриб маъқуллайди. Боққа «Шамол» номининг берилиш сабабини тарихчи олимлардан У.Алимов ва А.Бердимуродовлар шаҳарнинг ушбу, яъни Ғарб томонидан кўпроқ шамол эсиб турганлигидан деб тушунтирадилар. Меъморчилик доктори М.Булатов эса «шамол» сўзини «шамал» ўрнида кўриб, «шам» - шомлик, яъни суриялик, «ал» алоқадорлик, демак «шамал», бу ном «шомлик меъморлар қурган дегани» деб тушунтиради. Темур боғларини қуришда Суриядан, яъни Шомдан келтирилган меъморлар иштирок этган бўлишлари мумкин. Лекин Шарафиддин Али Яздийнинг хабар беришича, ушбу боғ қурилган жой, у

бунёд этилмасдан олдин ҳам Боғи Шамол номи билан машҳур бўлган. Демак, боғ бу ерда илгаридан мавжуд бўлган боғлар асосида шакллантирилган.

Боғи Бўлду. Шаҳардан шарқ томонда Боғи Дилкушога яқин жойда ҳозирги Улуғбек номи жамоа хўжалиги ерида бўлган. Боғ саройи харобаларидан япроқларига олтин суви юритилган гулдаста нақшлар топилган. М.Булатов ушбу боғ номини «Билди» эмас билди, яъни «Билимлар боғи (Боғи билди)», деб тушунтиради. Олимнинг фикрича, ушбу боғда Амир Темур сарой олимлари, уламолар ва шеърят намояналари билан йиғилишиб, турли хил илмий баҳслар, шеърят кечалари ва суҳбатлар ўтказиб турган [26].

Боғи Баланд. Ушбу боғ Чўпонота тепалигининг ғарбида, тахминан, ҳозирги аэропорт ва автосарой ҳудудида жойлашган. Боғда алоҳида анжирзор, узумзор, олмазорлар бўлиб, улар боғ манзарасига ўзига хос хусн кўшган.

Боғнинг ўртасида юксак маҳорат билан барпо қилинган кўшк қад ростлаб турган, боғнинг атрофи баланд девор билан ўраб олинган, фақат шимолий томони Зарафшон дарёсининг қирғоқлари билан чегараланиб турган. Боғи Баланднинг бир чеккасидагина ҳозирда ҳам анжирзорлар сақланиб қолган.

Боғи Давлатобод. Самарқанд-Шаҳрисабз йўли устида Боғи Дилкушо билан Боғи Жаҳоннамо оралиғида жойлашган. Темур давлат юмушларидан бўшаганда ва харбий юришлардан сўнг шу боғда ҳордиқ чиқарар экан. Боғда олтига турли ҳовуз бўлиб, улар ариқлар билан тўташтирилган. Ҳовузларни турли паррандалар, боғни эса нафис хайвонлар, товуслар безаган. Боғ саройи баланд сунъий тепалик устига қурилган бўлиб, ундан атрофдаги гўзал хушманзара жойлар қуриниб турган [25].

Боғи Чинор. Боғда дов-дарахт, чинорлар кўп бўлганлигидан шундай деб ном олган. Самарқанддан шарқ томонда, Дарғом ариғи атрофида ҳозирги Хўжа қишлоғи ёнида жойлашган. Ушбу боғдаги сарой ҳам сунъий тепалик устига қурилган.

Боғи Жаҳоннамо. Бу боғда дунё иқлимига хос мевазорлар бўлиб, уни боғ-ойна ҳам дейишган. Боғ Самарқанддан анча жанубда, Ургут тоғлари этакларида жойлашган.

Боғи Зағон. Самарқанддан шарқда қадимий Панжикент карвон йўлининг устида Кўчаи хиёбон мавзеидаги боғ. Ҳозир ушбу боғ ўрнида шу ном билан аталувчи қишлоқ мавжуд.

Боғи Майдон. Самарқанддан шимолда Афросиёб тепалиги билан Чўпон-ота қирларининг ўртасида, ҳозирги Боғи Майдон қишлоғи ўрнида барпо этилган. М.Булатов ушбу боғ номидан келиб чиқиб, у чавғон ўйини учун мўлжалланган бўлган, деган фикрни илгари суради. Адабиётларда ушбу фикр фойдасига айтилган бирон бир маълумотни учратмасакда, чавғон ўйини учун зарур бўлган, нисбатан текис чимлик майдон ушбу боғ ҳудуди таркибига кирган бўлиши мумкин. Боғнинг асосий ривожланиш даври Улуғбек даврига тўғри келади. Чунки у Улуғбек ташкил этган расадхонага яқин жойлашган ва расадхона олимларининг дам олишларига мослаштирилган эди. Улуғбек ушбу боғда Чилстун номли икки қаватли ҳашаматли сарой ҳам барпо этади.

Боғи Нав. Амир Темурнинг Самарқандда қурган боғлари ичида энг сўнгиси бўлиб, 1404 йили бунёд этилган. Самарқанд шаҳар деворига яқин, ундан жанубий ғарбда, тахминан ҳозирги Дорилфунун хиёбони ва шаҳар марказий маданият ва истироҳат боғи ҳудудлари ўрнида жойлашган [35].

Тахти Қорача боғи. Бу боғ Шаҳрисабз йўлидаги Зарафшон тоғи довони этагидаги анҳор атрофларида бунёд этилган, «Иморат қуришга яроқли ҳар бир жойнинг зое кетишини раво кўрмайдиган» Темур бу мавзеда ҳам боғ салмоққа фармон беради. Боғ ўртасига бир кўшк қурилиб, унга «Тахти Қорача» деб ном беради. Тахти Қорачанинг суви қаҳрабодек тиниқ, биллур каби тоза бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, бу гўшаларнинг эшиклари соҳибқироннинг ўзидан тортиб оддий шаҳарликкача - барча учун очиқ бўлган. «Агар Темур бирор томонга отланиб Самарқанд (унинг) кўшинлари-ю ёрдамчиларидан

холи бўлиб, ўша бўстонлар бўш қолса, шаҳар аҳлидан бадавлат-у мискинлар-у (бўстон)ларга қараб йўл оладилар. Чунки бу боғлардан кўра яхши ва ажойиб дам оладиган, булардан кўра роҳатланишга мувофиқроқ ва осойиштароқ жой йўқ эди. Боғлардаги ширин, мазали мевалар эса барчага баб-баравар (текин) эди». Боғлардан чиққан тароват ва хушҳаво жазирама кунларда Самарканд иқлимини мўътадил сақлаб турарди.

Темир ушбу истироҳат боғ-саройларидан ташқари Шаҳрисабздаги Оқсарой қошида, шунингдек Яссадаги Хожа Аҳмад мақбара мажмуаси ёнида ҳам гўзал ва мунаққаш боғлар яратган эди.

1.3. Хонликлар даври боғ-парклари

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида XIX асрда учта хонлик мавжуд бўлган: Бухоро, Қўқон ва Хоразм хонликлари. Зарафшон воҳаси эса Бухоро хонлиги чегараларига кирган. Географик жойлашуви, табиий иқлим шароитлари ва сиёсий чекланганлиги туфайли ушбу хонликлар ҳудудида ўзига хос меъморий-бадий мактаблар: Бухоро, Фарғона, Хоразм меъморчилик мактаблари таррақий этади. Бу мактаблар намояндалари қурган бино ва иншоотлар, боғ-сарой ва чорбоғлар узларининг ҳажмий режавий, ландшафт композициялари, меъморий қурилмалари бадий безаклари билан биридан фарқ қилади [5].

Бухоро хонлиги боғ – саройлари Фарғона ва Хоразм хонликлари боғ-саройларидан шаҳарлардан ташқарида кенг ҳудудда, алоҳида боғ-ансамбл тарзида шаклланганлиги билан фарқ қилади. Бу хусусият Бухоро шаҳри ёнида жойлашган Ситора-Мохи-Хосса ва Ширбудун боғ-саройлари мисолида ёрқин акс этган. Ушбу боғ-саройнинг охириги бизгача сақланмаган. Улар таркибига кирган қабулхона, яшаш хоналари, масжид, ёзги сарой, ошхона, ҳарам ва бошқа иморатлар кенг боғ бағрида такрор ҳолда жойлашган.



Когонлаги хон саройи қошидаги боғ эса бундан кескин фарқ қилиб, унда сарой бинолари ва ёрдамчи хоналар яхлит меъморий мажмуа тарзида бир бинода қурилган. Боғнинг режаси мунтазам композицияга эга. Бухородаги Мохи Хосса боғ-саройида эса алоҳида турган ёзги қўшқ, ҳовуз соҳилидаги шийпон ва тантанали залга ёндашган равоқла раҳрав кўзда тутилган.

Бухоронинг охириги юз йиллик боғ-саройлари архитектурасида Европага хос қурилиш маданияти ўз аксини топган. Ширбудунда, Когонда ва Ситораи Мохи-Хосадаги боғ-саройлар архитектурасида турли даврлар ва ўлкаларга хос боғ-паркчилик маданияти ўзаро қўшилиб кетган. Жумладан, уларда Ўрта Осиёга хос чорбоғ услуби, рус ва мавритания, готик ва махаллий бадийий унсурларни кузатиш мумкин. Мохи – Хосса бошқа боғ – саройлардан фарқли ўлароқ, чорбоғ услубига яқин туради. Ҳудуди нисбатан мунтазам режага асосланиб, хиёбонлар, чаманлар, чорбоққа хос ҳайвонот дунёси, ландшафт ечими, катта ҳовуз ва унинг бўйидаги қўшқ мавжуд.

Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда, сўнгра Бобур ва Бобурийлар даврида Афғонистонда ва Ҳиндистонда, сўнгра хонликлар даврида қурилган боғ-саройларнинг функционал таснифини қуйидагича кўрсатиш мумкин [17]:

-элчилар ва хорижий меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган боғ-саройлар. Бунга мисол қилиб Самарқанд шихри атрофида бунёд этилган Боғи Дилкушони кўрсатиш мумкин;

-олим ва уламолар билан суҳбат уюштириш ва дам олиш боғлари. Бунга асосан Самарқанд атрофидаги Боғи Булдуни кўрсатиш мумкин;

-қўриқхона ва ов қилишга мўлжалланган боғлар. Самарқанд атрофидаги Боғи Жаҳоннамо ва Боғи Нақши-жаҳонлар шундай боғлар бўлган деб ҳисобланади;

-миллий спорт ўйинлари ва байрамларни ўтказишга мўлжалланган боғлар. Масалан, Самарқанддаги Боғи Майдонда миллий “чавгон” ўйини учун махсус кенг ва текис яшил майдон ташкил қилинган;

-ҳукмдорларнинг оилалари билан дам олиш ва кўнгил очар боғ-саройлари. Масалан, Самарқанд атрофидаги Боғи Давлатобод, Боғи Беҳишт ва Боғи Шамол шундай боғлар бўлган;

-мақбара боғлар. Бобурийлар Агра ва Деҳлида бунёд этган Тож-Маҳал ва Хумоюн мақбара боғ-саройлари.

Табиийки, бу боғ-саройларни яратган меъмор ва боғбонлар уларда ўша давр боғ-истироҳатчилик санъатининг энг яхши намуналарини акс эттиришга интиланлар. Темур ва Темурийлар боғлари учун кўпроқ илгаридан мавжуд манзилгоҳлар, суви етарлик боғлар, хушманзара дарахтзорлар, ўт-ўланлар қўшиб олиниб, қайтадан режаланган, махсус лойиҳаланган. Фақат айрим боғлар янгитдан ишланган. Ҳар иккала ҳолда ҳам улар учун манзарага бой жойлар танланган.

1.4. Чор Россияси ҳукмронлиги давридаги боғ-парклар

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи яримида Чор Россия армияси Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари: Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қўқон каби шаҳарларни истило қилади. Босиб олинган ҳар бир шаҳарда улар ўз қуними ва тинчлигини таъминлаб бўлгач, ўзлари ва

армиясининг эркин жойлашиши, шаҳарлар ва округларни бошқариш, улкадаги ўз вазифаларини бошлаб юборади. Шаҳарларнинг эски қисми эса ўзгаришсиз ўз холича қолдирилади [13].

Чор Россияси армияси эгалланган тарихий шаҳарларда ўзлари учун шаҳарнинг янги “европача” қисмини шакллантирадилар. Шаҳарларнинг янги европача қисмида армия баталионлари, рус чиновниклари ва уларга хизмат кўрсатувчи русий забон аҳоли жойлаштирилиб, уларнинг эркин ва осойишта европача турмуш тарзи ва маданияти асосида яшашлари учун барча тегишли шарт-шароитлар яратиб берилади. Маиший турмуш ва тиббий бинолардан тортиб то Хиристиан дини соборларигача қурилади [8].

Бунинг учун эса энг аввало Чор Россияси ҳукумати истило этилган шаҳарларда янги европача шаҳар қуриш режалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уларни ўз армиялари ва маҳаллий халқ кучи ёрдамида амалга оширишга киришадилар. Масалан, Самарқандда шунинг учун энг қулай шаҳарсозлик режаси тарзида тарихий шаҳардаги мавжуд арк-қалъадан бошлаб унга нисбатан радиал-доира шаклида жойлашадиган янги шаҳар қурилиши амалга оширилади. Ўқдай тўғри радиал ва айнан кўчалар қурилиши ва уларни европача кўкаламзорлаштириш, кўчалар четига соя берувчи манзаравий дарахтлар (улкан чинорлар, қайроғочлар, пирамидасимон толлар) қаторлар экилиб тротуарлар вужудга келади [22].

Самарқанд шаҳар коменданти жойлашган кўча бўйлаб европача узун ва кенг хиёбон-“бульвар” лойиҳаси ишланиб, амалга оширилади. Бу бульвар (у ўша даврда Абрамовский бульвар деб аталган) шаҳарнинг янги европача қисмини эски тарихий қисмидан ажратиб турган. Унинг дастлабки майдони 7 гектар, узунлиги-804 м, эни 133 м бўлган [6]. Узун ва энли бульвар бўйлаб дастлаб тўртта ёпиқ хиёбон ташкил этилган. Хиёбонларга чинор ва “Сафидори Самарқандий” деб номланган соя берувчи оқ терак дарахтлари экилган. Кейинчалик собиқ Шўро ҳукумати даврида бульвар эни анча қисқариб четки хиёбонлар ўрнига магистрал кўчалар ўтказилади. Натижада у торайиб 2 хиёбонлик бульварга, яъни ҳозирги кўринишига келиб қолади.

Шаҳар коменданти биносининг олдида унга туташ тарзда катта боғ ҳам ташкил этилган. У дастлаб 6,5 гектар бўлган. Янги шаҳар марказида эса Зарафшон округи бошлиғи биносининг атрофида ҳудуди 5, 67 гектарлик янги боғ ташкил этилади [25]. Боғ бутунлай европача услубида режалаштирилган бўлиб, маҳаллий Ўрта Осиё халқларининг тарихий боғ-истироҳатчилик санъати, масалан чорбоғ услублари қўлланилмаган. Дарахтларни суғориш тизими ҳам Самарқанд шаҳри рельефи, маҳаллий ўсимликлар ва уларни суғориш усулларига мос келмаган [25].

Округ бошлиғи биносининг олдида 1868 йилидаги жангда қурбон бўлган русларга атаб ёдгорлик ва боғча бунёд этилади.

Шаҳар коменданти боғи ичида манзарали кўл ҳам мавжуд бўлиб, боғ атрофи девор билан айлантирилган ва ундан асосан рус чиновниклари ва уларнинг оилалари фойдаланган. Кўл ичида оролча яратилиб, ўсувчи ва соя берувчи кўркам дарахтлар экилган. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Боғнинг дарвозаси қошига “ Солдатам, сабакам и сартам вход в парк строго воспрещен” деб ёзиб қўйилган. Шўролар даврида бу боғлар бири-бирига қўшилиб юборилиб социалистик тизимига хос “маданият ва истироҳат боғи” ташкил этилган.

Бухоронинг охириги юз йиллик боғ-саройлари архитектурасида Европага хос қурилиш маданияти ўз аксини топган. Ширбудунда, Когонда ва Ситораи Мохи-Хосадаги боғ-саройлар архитектурасида турли даврлар ва ўлкаларга хос боғ-паркчилик маданияти ўзаро қўшилиб кетган. Жумладан, уларда Ўрта Осиёга хос чорбоғ услуби, рус ва мавритания, готик ва маҳаллий бадийий унсурларни кузатиш мумкин. Мохи – Хосса бошқа боғ – саройлардан фарқли ўлароқ, чорбоғ услубига яқин туради. Ҳудуди нисбатан мунтазам режага асосланиб, хиёбонлар, чаманлар, чорбоққа хос ҳайвонот дунёси, ландшафт ечими, катта ҳовуз ва унинг бўйидаги кўшк мавжуд.

I-боб хулосаси

1. Ўзбекистон боғ-парк санъатининг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалиб, ўлканинг табиий- иқлимий, тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий шарт-шароитларининг таъсири остида ва улар билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланган;

2. Ўрта асрларда Ўзбекистон боғ-парк санъатининг тизими шаҳарлар ичидаги яшил майдонлар ва боғлар, саройлар ва жамоат бинолари, масжидлар, мадрасалар қошидаги боғлар, хиёбонлар, шаҳар ташқарисидаги боғ-саройлар, чорбоғлар ва кўриқхоналардан ташкил топган;

3. Айти пайтда Ўзбекистон боғ-парк санъати ўрта асрларда кўшни мамлакатлар ва Буюк Ипак йўли орқали боғланган яқин ва узоқ Шарқ хориж мамлакатлари, шу жумладан ислом мамлакатлари билан узвий боғланишда шаклланган ва тараққий топган. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бироқ, Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан запт этилиши ва бу ўлкага бегона Европа маданияти ва социалистик Шўролар тизимининг кириб келиши Ўзбекистон боғ-парк санъатининг қадимги ва ўрта асрлардаги азалий тарихий қадриятларини амалиётдан сиқиб чиқарди, унинг ўрнига эса ўзбек халқига буткул ёт бўлган Европа боғ-парк санъатининг анъаналарини ва социалистик тизимга хос парклар тизимини олиб кирди. Албатта ҳар бир ишнинг салбий ва ижобий томонлари бўлганидек, бу соҳада ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон шаҳарларида қатор маданият ва истироҳат боғларининг яратилиши ҳамда бульварлар, скверларнинг шаклланиши ана шундай ижобий ўзгаришлар сафига кирди. Бироқ, улар Европа боғ-парк санъати тамойиллари асосида яратилди. Ўзбек халқининг бу соҳадаги миллий анъаналари унут бўлди, бу соҳани ўрганиш ва жонлантиришга бағишланган илмий изланишларнинг йўли қирқилди;

4. Ўрта Осиёнинг анъанавий боғ-парклари муайян меъморий тартиб ва режалар, манзаравий воситалар, бадиий услублар ва ландшафт ечимлари

асосида шакллантирилган. Аксарият боғларни меъморлар ва боғбонлар ҳукмдорларнинг буюртмалари асосида лойихалаб бунёд этган;

- Ўзбекистон боғ-парк санъатини шакллантиришда асосан қуйидаги икки хил меъморий-режавий ва ландшафт композициялари қўлланилган:

- ”Чорбоғ” композицияси, яъни мунтазам режали симметрик тартибли услуб;

- Эркин композиция, яъни эркин табиат кўринишидаги композициявий услуб.

5. Амир Темур ва Темурийлар даври, сўнгра хонликлар даври боғ-паркчилик санъатида “чорбоғ услуби” етакчи мавқени эгаллаган. Чорбоғ бу модулли (микёсий) боғ бўлиб, ҳудудий элементлари бош режавий ўққа нисбатан мунтазам симметрик жойлашган, қисмлари тўрт ва ундан кўп бўлган бир-бирига тенг “чорчаман” ва “чаман”лардан тўзилган тартибли боғдир. Унда кичик модул ролини чаманлар бажарса, катта модул бу чорчамандир. Чорбоғ ўзининг режавий ечимига кўра инсон тафаккурининг энг олий тасаввуридаги жаннат боғига хос бўлган ҳандасавий уйғунлик назарияси ва модул тизимига асосланган;

6. Боғлардаги яшил дунё таркибига манзарали ва мевали дарахтлар, буталар, ўрта баҳордан кеч кузгача бирин-кетин очилувчи гуллар, ток ва майсалар кирган. Манзарали дарахтлар таркибига мирзатераклар, тол, чинор, сарв, мажнунтол, қайроғоч ва шамшотлар кирган. Улар ёрдамида боғда очиқ ва ёпиқ ҳиёбонлар шакллантирилган. Мевали дарахтлардан олмаларнинг турли навлари, ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, тут ва бодомлар экиш, алоҳида узумзор ташкил қилиш, гуллардан ҳамиша баҳор, атиргуллар, бинафшалар, савсан, гулираъно, нилуфар, шаббуй, гултожихурос, аргун, садбарг, ҳанжарийларни экиш анъана бўлган;

7. Боғларнинг сув дунёси ариқлар, булоқлар, олти ва саккиз бурчакли ҳовузлар, фавворалар, шалолалар ва шаршарлардан тузилган. Ҳайвонот дунёси эса ёввойи ва хонақи ҳайвонлар, балиқлар, паранддалар ва қушлардан иборат бўлган;

8. Поғонасимон чорбоғлар худуди релефли, қиялик ва қирлардан иборат боғларда қулланилиб, боғ поғоналари тиргак деворлар, зинопоялар ва шалолалар билан боғланган.

II-БОБ

СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА БОҒ-ПАРК САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ АНЪАНАЛАРИ

2.1. Ўзбекистоннинг Собиқ Иттифок давридаги боғ-парк санъати

Марказий Осиё республикалари шу жумладан Ўзбекистонда XX аср бошлари ва ўрталаридаги шаҳарсозлик ва ландшафт архитектурасининг боғ-парк санъатининг шаклланиши ва унинг ғоявий йўналишини белгилашда собиқ совет ҳукуматининг 1935 йилда қабул қилинган “Москва шаҳрини қайта қуришнинг бош режаси” ҳақидаги қарорини муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки Марказий Осиё республикаларининг барчаси 1924 йилдан бошлаб собиқ иттифок давлати таркибига киритилган эди. Шунинг учун ҳам Москва шаҳрини қайта қуриш ва ривожлантириш лойиҳасида кўрсатилган аксарият меъморий ва шаҳарсозлик тамойиллари Марказий Осиё республикаларининг пойтахтлари –Тошкент, Самарқанд, Душанбе, Олма-ота, Ашхабод, Бишкек шаҳарларининг ҳам бош режаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилди.шунини таъкидлаш зарурки, ушбу шаҳарларнинг бош режаларини лойиҳалашда маҳаллий шаҳарсозлар билан бир қаторда Москва ва Ленинградлик меъморлар ҳам фаол қатнашдилар [25]. Бу лойиҳаларда қаралган масалалар нафақат режавий, техникавий, экологик ва транспорт муаммоларига, балки ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатига ҳам алоқадор эди. Жумладан дастлаб 1924-1931 йилларда, сўнгра 1933-1937 йилларда ишлаб чиқилган Тошкент шаҳрини қайта режалаштириш ва кўкаламзорлаштириш лойиҳаларида “эски” ва эски шаҳар билан “янги” шаҳарни қўшиб, яхлит бир шаҳарсозлик организмини вужудга келтириш, янги турар-жой ҳудудлари ва марказини янгиттан ташкил этиш, тарнспорт магистралларини ўтказиш, боғ-парклар, хиёбонлар бунёд этиш, шаҳар ҳудудидан ўтувчи мавжуд сув ҳавзаларидан фойдаланиб, уларнинг

соҳилларида кўкаламзор истироҳат масканларини ташкил этиш кўзда тутилди.



Тошкент шаҳри учун маданият ва истироҳат паркининг биринчи лойиҳасини Я.К. Гаазенкопф ишлаб чиқди. Гаазенкопфнинг асл мутахассислиги агроном бўлсада, у айти пайтда ландшафт архитектори ҳам эди. У 1926-1932 йилларда Тошкент ва Ашхобод шаҳарлари учун 20 дан зиёд турли хил ландшафт объектлари: скверлар, боғлар, парклар, гулзорлар лойиҳаларини ишлаб чиқда ва амалга оширди. Гаазенкопф ўша йиллари Тошкент шаҳрининг кўкаламзорлаштириши ва ландшафт архитектурасини ўзида акс эттирувчи учта ажойиб альбом тузиб, уларга ўзи ишлаган ва амалга оширган барча ландшафт объектларини киритди [25].

Биринчи альбом- “Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш. Шаҳар қурилиши, 1926-1932 йиллар.”деб номланиб, унда Тошкентнинг 1929 йилдаги режаси ва шаҳар ҳудудида кўзда тутилган барча катта- кичик боғлар, парклар, хиёбонлар, скверлар ва уларни лойиҳалари кўрсатилган. Инқилоб хиёбони, Дам олиш боғи, Кафанов номидаги боғ, Обухов хиёбони, Тошкент шаҳар совети олдидаги гулзор, Ленин хиёбони, Қардошлар мозори ва

Федерация парки, Хива сквери, Ўрда –Хадра ҳалқаси, Баланд масжид қошидаги боғ Ленин ёдгорлиги қошидаги партия, Коммунистлар мазори, Кичик госпитал кўчасидаги 1 Май номли парк, “Ильич Бобо” мактаби қошидаги боғ, “Қизил комуначи” боғи Университет (САГУ) олдидаги гулзор, 1 Май парки, Фаробий парки, Калинин сквери, Головачев сквери, Жангоҳ (Пушкин) парки, шаҳар гулзор боғи шулар жумласидандир. Альбомда ушбу объектларни ҳолати лойиҳагача вав қайта ишланиб амалга ошгандан кейинги ҳолатлари кўрсатилган. Барча ишларнинг 6 йил ичида бажарилганлиги мақтовга сазовордир [11].

Гаазенкопфнинг иккинчи альбоми (1931 йил) Тошкент шаҳрининг маданият ва истироҳат паркига бағишланди. Альбомда парк лойиҳасининг икки хили (Қорасувда, майдони 70 га ва Бўзсувда, майдони 100 гектарга яқин, 1: 3000 масштабда) бажарилган. Парк ҳудудларидан бирининг кўндаланг кесими, Тошкент кўчаларини мақсадга мувофиқ кўкаламзорлаштириш учун уларнинг 11 та кўндаланг кесимлари, болалар ўйингоҳлари, жисмоний тарбия спорт майдончалари, марказий оранжериядан тортиб то гул дўконларигача мўъжаз меъморий шакллар ишланиб, уларнинг аксарияти амалга оширилади.

Учинчи альбомда Туркменистон ботаник боғининг лойиҳаси ишланган (1929 йил). Гаазенкопфнинг ёзишича боғ инглизча, яъни пейзажли эркин табиат кўринишида, боғдаги гулзорлар италянча, боғнинг кўрғазмалар ҳудудида эса франсузча услубдаги режавий ечимларда лойиҳаланган [25].

1938-1939 йилларда архитектор А. Кузнецов раҳбарлигида Тошкент шаҳрининг янги бош режаси ишлаб чиқилади.

Бу Тошкентнинг истиқболдаги 20-25 йилга мўлжалланиб тасдиқланган биринчи бош режаси эди. Унда шаҳар аҳолисининг лойиҳавий сони 900 минг кишига, ҳудуди эса 13,8 минг гектарга ҳисобланган эди. Москва шаҳри тажрибаларига асосланиб Тошкентнинг асосий магистраллари радиал-доира режали кўчалар орқали олти та маъмурий тумани бирлаштирди. Ҳар бир туманга турар-жой массиви, жамоа бинолари,

маданият ва истироҳат боғлари, скверлар жойлаштириш, сунъий сув ҳавзаларини ташкил қилиш, кўкаламзорлаштириш ва сув таъминоти масалалари кўзда тутилди.

1939 йили тошкентликлар майдони 29 гектарли дам олиш ва сув спорти билан шуғулланишга мўлжалланган чиройли парк-кўлга (илгариги Комсомол кўлига) эга бўладилар. Паркда пляжлар, очик сув стадиони, яшил театр, қайиқ станциялари, болалар темир йўли, атракционлар, кўлнинг чир атрофи бўллаб сайргоҳ хиёбон ташкил қилинди. Парк объектларини ўзаро боғловчи ушбу хиёбон гоҳида сув бўйига яқин келтирилиб соҳилга айлантирилган, гоҳида дарахтзорлар ичига киргазилган. Хиёбон бўйлаб юрган кишининг кўз ўнгида янгидан-янги гўзал табиат пейзажлари-очик ва ёпиқ яшил майдонлар, соҳиллар ва сув ҳавзалари алмашилиб туради.

Тошкент шаҳри ландшафт архитектурасининг боғ-парк санъатининг шаклланишида сунъий сув ҳавзалари: кўллар, анҳорлар, фавворалар муҳим ўрин тутди. Комсомол парккўлининг қурилишидан сўнг кўп ўтмай сув ҳавзасига эга бўлган Ғалаба (Победа) паркиннинг қурилиши (1946-1947 йилларда) бошлаб юборилади. Ҳар иккала парк шаҳар микроклимига соғломлаштириш ва унинг чиройини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда илгари Комсомол парк кўли шимол томонга кенгайтирилиб, бу ерда Алишер Навоий номидаги миллий боғ ташкил этилган. Паркнинг кенгайтирилган қисми Навоий ҳайкали билан бирга анъанавий чорбоғ услубида шакллантирилиб, бу боғ муҳими Халқлар Дўстлиги санъат саройи ҳудудида қўшилиб кетган. Боғда ҳар йили Шарқ халқларининг янги йили ва баҳор миллий байрами-“Наврўз” оммавий тарзда тантана қилинади. Бунинг учун унда бош ва ёнбош хиёбонлар, сайргоҳ йўлаклар, театрлаштирилган томошалар учун махсус жойлар ташкил этилган. Боғ ҳудуди чамандек яшнаб туради.

Тошкент шаҳрининг ҳозиги маркази асосан 1966-1974 йилларга қуриб битирилди. Марказ ўрнида илгари 1966 йилдаги ер силкинишидан вайрон бўлган тарар-жой мавзеси мавжуд эди. Асосий масала пойтахт маркази

бинолари учун янги замонавий масштаб топиш, Ўзбекистоннинг бугуни ва келажagini ушбу марказ ҳамда ундаги марказий майдон ва биноларда акс эттириш лозим эди. Архитектор Л. Адамов ва С. Адиловлар бошчилик қилган муаллифлар гуруҳи бу вазифани усталик билан адо этдилар [16]. Умумий майдони 1,5 минг гектар шарқдан ғарбга чўзилган ўқ бўйлаб узунлиги 5 километрга яқин бу янги марказ ҳукуматнинг маъмурий бинолари, маданий-маърифий, спорт иншоотлари ҳамда йирик савдо марказлари ва улкан кўкаламзорларни ўз ичига олади. Шаҳарнинг қоқ марказига ташкил этилган “янги воҳа” ва унинг кенг очик ва ёпиқ яшил майдонлари, бу майдонлар узра жойлашган жамоа биноларидан тузилган ансамблларни, шаҳарнинг тарихий ташкил топган аввалги марказларини шох кўчалар орқали бирлаштирди. Бу янги марказ ўзининг ноёб композицияси, маҳобатли меъморий-шаҳарсозлик кўлами ва ландшафт ечими билан ажралиб туради.

Улкан ва кенг марказий майдонни ташкил этган тик композицияли кўп қаватли бинолар ва уларга контраст тарзда чўзинчоқ жойлашган маъмурий муассасалар, майдони бир неча поғонага бўлиб турувчи кенг сув ҳавзалари, улкан фавваралар шаршараси ўзига хос ва такрорланмас ишланган. Марказий майдоннинг шаклланишига ва унга эмоционал-бадий тус беришда бу ерга ўрнатилган Ленин монументининг роли катта бўлди. Унинг меъморий композицияси, жой ва майдонга нисбатан масштаби жуда оригинал топилган эди. Марказий майдон Навоий шоҳ кўчаси томонидан Номаълум аскар ёдгорлиги билан тугалланади. Ушбу хиёбон ёнида гўзал ва мафтункор манзарали “чорбоғ режасида шаклланган боғ ҳам мавжуд. Марказий майдон майсазорлар, гулзорлар ва фавворалар билан тўлдирилган. Ушбу майдондаги очик ва ёпиқ яшил муҳитлар сатҳининг нисбати бири-бирига яқин. Шунинг учун ҳам улкан шаршарали отма фавворалар иссиқ ёз кунлари майдондаги ҳароратнинг ошиб, намликнинг эса пасайиб кетишига йўл қўймайди. Аксинча ушбу фавворалар чегарасида ва бинолар соясида кишига ёқимли, енгил шабада самараси вужудга келган. [14].

Ҳозирги Тошкент шаҳри кўчалари, айниқса шох кўчалар янада кегайтирилиб, қайтадан яшил тусга киргазилган. Шаҳар марказидаги яшил муҳитига Буржар каналининг гўзал ва мафтункор соҳиллари, бўз сув ариғининг обод қирғоқлари келиб қўшилган. Буларнинг ҳаммаси “Пахтакор” стадиони мавзеидаги яшил массив ва скверлар билан бирга Тошкент марказида ўзига хос “яшил оазис” вужудга келтирган.

Худди шундай истироҳат марказлари боғ-ҳиёбонлар, майдонлар ва очик муҳитлар ландшафт архитектурасини шакллантириш Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида жумладан Самарқанд, Бухоро, Навоий, Зарафшон, Андижон ва Термезда ҳам амалга оширилди.

1981 йил Самарқанд шаҳри марказининг батафсил режавий лойиҳаси ишланиб, унда шаҳар марказин, айниқса унинг тмарказий хиёбонини жануб томонга то Лолазор мавзесигача кенгайтириш кўзда тутилади. Лойиҳада боғ-парк санъати ва ландшафт объектларини узлуксиз яхлит тизимини яратиш ва уларнинг мавқеини меъморий объектларга тенглаштириш ғояси илгари сурилди [15].

Шаҳарда ландшафт архитектурасининг тарихий шаҳарларга хос жузъий объектлари мавжуд. Улардан бири дастлаб Абрамов, сўнгра М. Горький, ҳозир эса “Университет хиёбони” деб номланувчи бульвардир. У 1870 йилларда бунёд этилган. Хиёбоннинг айрим жойларига тошдан ишланган барельеф-ҳайкаллар ўрнатилган. Булварнинг бир томонида Алишер Навоийнинг тик турган ҳайкали ва унинг атрофидаги гулзор, иккинчи томонида эса амир Темур сиймоси гавдаланган меъморий мажмуа жойлаштирилади. Ушбу мажмуадан шимол томонда Ҳамид Олимжон номидаги театр биноси олдида катта сквер ташкил этилиб, ундаги хиёбон ва гулзорлар аро ўзига хос поғонали отма фавворалар ансамбли ишланган. Худди шундай замонавий отма фавворалар ва чаман-гулзорлар ушбу сквер ва булварга яқин жойлашган Афросиёб меҳмонхонаси, Амир Темур ва Рухобод мақбара мажмуалари қошида ва уларга борадиган йўллар узра ҳам ташкил этилган.

Самарқанддаги Регистон меъморий ансамблининг майдонини қайта тиклаш лойиҳасига кўра дастлаб 1968 йилда сўнгра 2004-2010 йилларда ансамбл атрофидаги шаклланган собиқ иттифоқ даврида жамоат биноларини бузиб ташланиб, уларнинг ўрнига боғ-парк ҳудуди ва очик гулзорлар вужудга келтирилди. Бироқ, бу ҳаракат Регистон ансамблига ижобий таъсир кўрсатмади. Улуғвор ансамбл янги яратилган кенг муҳитда ўзининг асл масштабини йўқотиб, очик музейга қўйилган сунъий экспонатга ўхшаб қолди, негаки у атрофидаги ўзига “қондош” бўлган тарихий муҳит кўлами ва унга мос тушган ҳандасавий уйғунликдан жудо бўлди.

Самарқанднинг янги шаҳар марказида вужудга келган кенг маъмурий майдон ҳам ўз масштабига кўра беҳад йирик ҳисобланиб, унинг ландшафт ечими тақомилига етказилмаган. Аксарият қисмига асфальт бетон, қолганига йирик бетон плиталар ва тош тўшалган катта кенг очик майдон ёзнинг жазирама иссиқ кунлари янада иссиқ, қишда эса совиқ кетади. Майдон иқлимини мувофиқлаштириш ва майдоннинг меъморий-ландшафт ечимини яхшилаш мақсадида бу ерда “фавворалар боғи” бунёд этилди. Бундан ташқари вазифасидан қатъий назар майдонда ёпиқ яшил муҳит ҳажмини ошириш, уни анъанавий чорбоғ ва хиёбон услубида шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Самарқандда 2002 йилда илгаридан мавжуд “Озеро” парки қайта ишланиб рентабелли замонавий болалар аквапаркига айлантирилди. У ўзининг жўшқин меъморий шакллари, сув атракционлари ва ҳайкаллари билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, бу ишларнинг барчаси Республика Президенти Ислам Каримовнинг эътиборига бўлди. Ана шу бунёдкорлик ишларида жаҳон ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг бадиий эстетик воситаларига амал қилиш ва Марказий Осиёга хос миллий боғ-истироҳатчилик санъатининг меросий услубларини қайта тиклаш масалаларига кенг эътибор берилди. Бунёд этилган меъморий иншоотлар, меъмориаллар ва музейлар, боғ-хиёбонларнинг аксарияти

мунтазамсимметрик режада ишланиб, уларнинг ҳудуди очик ва ёпиқ яшил майдонлар, улардаги фавворалар, шаршаралар, гулзорлар ва майсазорлар хиёбонлар ва йўлаклар, ҳамда мўъжаз меъморий шакллар буюк алломаларнинг тимсоли ифода этилган рамзий мажмуалардан иборат бўлди. Бу меъмориал боғ-хиёбонларнинг ҳар бири ўзларининг режавий маркази ва ҳажм-фазовий ечимидаги кулминациявий композицияларига эга бўлганлари ҳолда, уларда қўлланилган меъморий ечим, яшил дунё ва архитектуравий қулилиш материаллари орасидаги ўзаро уйғунлик самараси ушбу мажмуаларга тароват бағишлади. Бу мажмуаларнинг ҳудуди нисбатан катта бўлмай 2 гектардан то 10 гектаргача майдонни ташкил этади [43].

Айниқса, кейинги мустақиллик йилларида Ўзбекистон ландшафт архитектураси боғ-парк санъатининг ривожини учун яхши имкониятлар яратилди. Янгидан қурилган ва қайта тикланган кўркем жамоа бинолари ва ансамбллари эгаллаган ҳудудлар, айниқса, уларнинг бош тарзлари қошидаги меъморий муҳит ушбу бинолар вазифаларига мослаштирилган ҳолда мўъжаз боғларга айлантирилди. Қуёш нурига ярқираган сув юзларини яратувчи фавворалар, поғонали бир-биридан гўзал шалолалар, ям-яшил текис майсазорлар, улар узра ястанган гилам нусха гулзорлар, гулдор буталар, мўъжаз меъморий шакллар, дид билан ишланган ўриндиқлар, текис ва жозибадор, нафис тўшамалар шулар жумласидандир.

Тошкент ғалаба истироҳат парки чегарасига туташган ва кўпдан бери қарвосиз ётган Анҳор ариғининг соҳиллари обод этилиб, бу жойга Тошкент Дисней парки лойиҳаси ишланди ва амалаг оширилди. Парк Анҳор каналининг соҳиллари ва улардан ҳосил бўлган табиий жилғалар ва қўллар ҳудудига жойлаштирилган ва ўнлаб гектар жойни эгаллаган. Парк болалар ва катталар учун улкан табиий томошагоҳда сунъий яратилган турли ғаройиб ёввойи ҳайвонлар дунёсини ташкил қилган. Барча ҳайвонлар сунъий ҳаракатлантирилади ва табиий овозларига эга. Ҳар бир ҳайвон учун яратилган ландшафт у яшайдиган табиий муҳитни эслатади. Дид билан оройиш берилган парк ландшафти табиийлигича қолдирилган. Бу ерда

горлар ва сув ости дунёси ҳайвонлари ҳам мавжуд. Хизмат кўрсатиш маданияти эса ўта юқори даражада ташкил қилинган [44].

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг замонавий қадамлари бугунги кунда ғайри-табиий ва шошилиш услублар билан эмас, балки, босқичма-босқич ташланаётган бўлса-да, унинг истиқболдаги таррақиёти порлоқ бўлишлиги учун тўлиқ имкониятлар мавжуд.

2.2. Боғ-паркларнинг тасниф-тизими

Замонавий шаҳардаги парк ўзига – шаҳар муҳитини соғломлаштириш функциясини олувчи, шаҳар ландшафтини бойитувчи, табиатни қўриқлаш ва аҳолининг дам олишига ёрдам берувчи кўкаламзор маконлар тизимининг энг муҳим элементидир.

Оммавий кўп функционал парк типи ҳудудининг етарлича катталигида шаҳар аҳолисининг дам олишини ташкил этиш тизимида асосий объект бўлиб қолади.

Бундай парклар ҳудудини қисмларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- оммавий тадбирлар 5-7%
- тинч дам олиш 50-75 %
- маданий оқартув тадбирлари 3-8 %
- физкультура соғломлаштириш 10-20%
- болалар дам олиш 5-10%
- хўжалик 1-5% [32]

Оммавий тадбирлар қисми – паркка асосий кириш қисми яқинида жойлашгади. Театр, кино, ўйин майдончаси, аттракционлар, фестивал майдони, оммавий ўйинлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Тинч дам олиш қисми – парkning катта қисмини эгаллайди ва табиий пейзажлар билан характерлидир. Бу ерда ҳар қандай иншоотлар қуриш, кичик меъморий шакллар – трельаж, боғ мебелидан ташқари маън қилинади.

Маданий оқартув қисми- парк худуди бўйича эркин жойлаштирилади, лекторийлар, кичик виставка павильонлари ва кафе, ўқув зали, хаваскорлик машғулоти учун хоналарни ўз ичига олади.

Физкультура соғломлаштириш иншоотлари – текис рельефли, сув хавзаси бор очиқ жойларда иложи борица битта комплексга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Болалар дам олиш қисми – алоҳида жойлаштирилади, паркка кириш жойи яқинида, 1 дан 14 ёшгача болалар учун ўйин майдончалари, турли қобилиятларини ривожлантирувчи иншоотларни ўз ичига олади.

Хўжалик қисми – парkning чекка қисмида, туташ кўчага ўзининг чиқиш жойи билан жойлашади. Инвентар, парк мебели омборлари, юкларни тушириш майдончаларини ўз ичига олади.

Парклар қошида автомобиль тўхташ жойлари ва келувчилар гигиена пунктлари кўзда тутилиши лозим.

Кўп функцияли парк табиий балансини сақлаш учун унинг ўлчамлари 20 га дан кичик бўлмаслиги керак. Парк худудларининг баланси “табиий” компонентларнинг “сунъийларидан” устунлиги таъминланган ҳолда жадвалда кўрсатилган [32].

Жадвал

Парклар худудларининг баланси

Худуддан фойдаланиш турлари	Худуднинг лтақсимланиши % қатнов зичлиги	
	Юқори 60 одам/га дан кўп	Ўрта ва паст 60одам/га дан кам
Яшил ўсимликлар ва сув ҳавзалари	65...75	75...80
Аллеялар ва йўллар	10...15	8...12
Майдончалар	8...12	4...8
Иншоотлар	5...7	2...4

Ҳозирги вақтда паркларни функционал қисмларга бўлишга анъанавий ёндашув билан бир қатордабошқа тенденциялар ҳам ривожланмоқда. Масалан, функционал қисмларга бўлиш ва ҳисоб балансидан ташқари

худудни ландшафтнинг сунъий иншоотлар билан тўлдирилганлик даражаси бўйича дифференциялаш ва қуйидаги йирик қисмларини ажратиш лозим:

А) парк иншоотлари тўпланган қисм – рекреацион босим 100 одом/га га ҳисоб қилинган, юқори даражада ободонлаштирилган. Иншоотлар, аллея ва майдонлар бу ерда 30% гача майдонни эгаллайди;

Б) оммавий қатнов қисми юқорида кўрсатилганга туташган рекреацион босим 50-100 киши/га ҳисоб қилинган, оддий парк даражасида ободонлаштирилган. Бу ерда ландшафтнинг сунъий элементлари табиийларига бўйсундирилган;

В) табиий қисм – шаҳар муҳитидан ажратилган, ободонлаштиришнинг минимал даражасига эга, бу ерда ҳар қандай иншоотлар иложи борида қурилмайди, 50 киши/га дан кам рекреацион босимга мўлжалланган.

Паркнинг кичик ўлчамларида – 50 га гача майдоннинг четига жойлашган комплекс рекреацион марказни ташкил этиш энг рационалдир.

Паркнинг ўрта ўлчамларида 70 га гача уч-тўрт махсус марказларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Уларга тегишли функционал қисмлар ёндашади.

Йирик паркларда 200-500 га гача бир нечта йирик комплекс марказлар ташкил этмоқ мақсадга мувофиқдир.

Тошкентдаги “Ўзбекистон Миллий Боғи” ўрта парклар доирасига киради. Унинг уч махсус маркази кириш, спорт ва мемориал қисмида жойлашган.

Бу тавсиялар тахминийдир ва паркнинг компакт тархига, унинг бир хил атрофига мўлжалланган. Чўзиқ шаклли тархда ҳатто кичик паркларда хизмат кўрсатишни ягона тугунда тўплаш қийин, бу ерда бир нечта тортилиш фокуслари лозим бўлади.

2.3. Истироҳат ва маданият боғларининг меъморий шаклланиш асослари

Маълумки, фуқаролар саломатлиги жамиятнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Инсон саломатлигини тиклашда, унинг ҳам маънавий ҳам жисмонан баркамол бўлишида, шунингдек унинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлашда боғларнинг аҳамияти бекиёсдир. Амир Темури ва темурийлар давридаёқ бу соҳага катта эътибор қаратганини “Чор боғ”лар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз ҳудудида боғ-парк санъати намуналарини учратамиз. Уларнинг кўп қисми қайта таъмирланиб, халққа хизмат қиляпти. Аммо боғларнинг аксарият қисми эътиборга мухтож.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда чиқарган 322 - сонли “2011 – 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори бу соҳа ривожига давлат миқёсида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 10 дан ортиқ парклар мавжуд бўлиб, мустақиллик йилларида Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Бобур боғлари, Алишер Навоий номли Миллий боғ қайта таъмирланиб, уларнинг эстетик-ландашфт композицияси тубдан яхшиланди. Улар фаолияти анча жонланди. Ботаника боғи, ҳайвонот боғи, аквапарк, Япон боғи сингари тематик боғлар ҳам ҳалқимизнинг севимли даргоҳига айланди. Шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, тематик боғлар нафақат дам олиш учун, балки аҳоли кенг қатламнинг дунё- қарашини бойитиш учун ҳам хизмат қилади.

Тематик боғлар кўпгина мамлакатларда, айниқса Европа ва АҚШда кўплаб кишиларни ўзига жалб этади. Флоридадаги “Уолд Дисней дунёси”, Калифорниядаги “Диснейленд”, Копенгагендаги “Тиволи боғлари”, Париждаги “Евро дисней” шу даражада машҳурки, уларнинг ҳар бирига

йилига 4 млн.дан 25 млн.гача киши ташриф буюради. Шуниси яна эътиборга лойиқки, бу каби боғларга нафақат маҳаллий аҳоли балки кўплаб сайёҳлар ҳам ташриф буюрадилар.

Ўз вақтида Тошкентда ҳам “Шоирлар хиёбони”, “Луна-парк”, Рус, Япон, Ўзбек ва Француз боғлари элементларидан ташкил топган бульвар, болалар маданият ва истироҳат боғи мавжуд эди”. “Луна-парк” аттракционлари шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонларига жуда маъқул келган эди. Аммо аттракционлар вақтинчалик фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, кейинчалик Чехияга қайтариб олиб кетилди. “Шоирлар хиёбони”да ҳам фақат Алишер Навоий ҳайкали сақланиб қолган. Қолган ҳудудлар эса қайта тиклашга муҳтож. Болалар боғи ҳудуди эса маъмурий бинолар комплекси қурилиши учун ажратиб берилди.

Тематик боғлар орасида мемориал боғлар алоҳида ўрин тутди. Улар аҳолини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Халқнинг қаҳрамонлиги, меҳнатдаги ютуқлари унинг буюк вакиллари – сиёсий ва давлат арбоблари, ёзувчи ва олимлари, рассомлари ҳақида ҳикоя қилади.

Спорт боғлари эса фуқароларнинг жисмонан ривожланишига хизмат қилади, ташриф буюрувчиларга қизиқарли спорт тадбирларини томоша қилиш, шунингдек ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш имкониятини беради.

Кўпгина мамлакатларда этнографик парклар мавжуд. Улар ўша мамлакат халқининг бой ўтмиши, анъаналари, урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилади. Мен шундай боғларни Латвияда, Россия ва Украинада кўрганман. Бизда ҳам шундай боғ яратиш имконияти мавжуд. Агар шундай боғ ташкил этилса, халқимизнинг қадимий урф-одатларини кўрсатиш, турар-жой ва жамоат биноларининг анъанавий кўринишларини, шаҳарсозлик элементлари – маҳаллалар ва маҳалла гузарларини намойиш этиш, халқ хунармандларининг устахоналарини ташкил этиш мумкин бўлар эди.



Наманган шаҳар истироҳат боғи реконструкцияси

Диплом иши: талаба Д.Анорқулов, раҳбар доц. М.А. Талипов
(2009-2010йй. Ўзбекистоннинг энг яхши меъморий асарлари XII кўрик- танловининг
III даражали дипломи)

Чунки, ҳозирги кунда маҳаллий қадриятларимизга бўлган катта эътибор ҳам бунга ундайди ва имкон беради.

Умуман олганда, паркларни ривожлантиришга бўлган тизимли ёндошув давр талабига айланиб бормоқда. Паркларга шаҳар ҳудудидаги бир яшил оролча сифатида эмас, балки шаҳарлар ва агломерациялар бош режалари таркибига кирувчи яшил таркибий элемент сифатида қараш вақти келди. Бу шаҳарларнинг ландшафт ташкил этиш комплекс режаларини тузишга жиддий киришиш лозимлигини тақозо этади.

Олий таълим тизимида сўнгги йилларда ландшафт архитекторлари, ландшафт дизайнерлари тайёрлаш масаласига эътибор кучайганлигини кўриш мумки

Ландшафт архитекторлари, шаҳарсозлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар олдида турган вазифа – асрлар давомида боғ-парк санъати соҳасида қадимий Шарқ, Ўрта Осиё, Европа мамлакатлари ҳудудида тўпланган бой тажрибани замонавий талабларга мос равишда ўзлаштириб, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришга арзигулик боғ-парк санъатининг янги намуналарини

яратишдан иборатдир. Ҳозирги кунда бу долзарб масалани ечиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Маданият ва истироҳат боғлари деб, ҳудуди камида 20-40 гектардан кам бўлмаган, ҳудудининг 70-75% ини яшил ўсимликлар эгаллаган ва бадий кўкаламзорлаштирилган аҳолининг дам олишига мўлжалланган, кўнгил очар, спорт ва сайр-томоша ва маданий-оқартув тадбирларини олиб боришга мослаштирилган ландшафт архитектураси объекти тушунилади.

Бундай боғнинг асосий функционал – ҳудудий зоналарига қуйидагилар киради [8]:

- 1) тинч дам олиш ва сайр қилиш зонаси;
- 2) спорт зонаси;
- 3) болалар зонаси;
- 4) оммавий маданий тадбирлар ва аттракцион зонаси;
- 5) хўжалик зонаси.

Тинч дам олиш ва сайр қилиш зонаси. У паркнинг асосий қимини , яъни 50-60% ини ташкил қилади. Унда суҳбатлар уюштириш, учрашувлар ўтказиш, тинч дам олиш, сув ҳавзаларида дам олиш, пляжлар, сувга сузиш, шахмат, шашка ва шунга ўхшаш дам олиш объектлари жойлашади. Унда шунингдек, кўшк ва павильон ҳам бўлиши мумкин. Ушбу зона парк ичкарироғи, кўз ва шовқин-сурондан ҳолироқ, кўкаламзор жойларда, соя-салқинда жойлашгани маъқулдир.

Спорт зонаси. Боғ умумий майдонининг 15-20% ини эгаллаб, асосан спорт майдонлари ва майдончалари, қурилмалари билан таъминланади. Спорт зонасида катта мусобақаларга мўлжалланган спорт заллари ёки футбол майдони жойлаштирилмайди. Спорт ўйинлари, оммавий спорт майдонлари, минифутболдан тортиб, баскетбол, волейбол, теннис площадкаларига жой ажратилиши керак. Спорт зонаси аб, асосий дарвозадан ўнгга ёки чапга, паркнинг магистрал йўлларга ёндош қисмида жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Болалар зонаси. Бу зона болалар ва ўсмирларнинг яхши ва қулай дам олишлари мўлжалланиб, у боғ майдонининг 10-15% ини эгаллайди. Ушбу зона боғнинг ичига чуқур кирмасдан бош дарвозадан ўнг ёки чапда жойлашгани маъқул. Унда болалар учун ўйин майдонлари, турли хил ўйин қурилмалар, шахмат, шашка ва кутубхона ҳамда турли санъат секциялари жойлашади.

Оммавий маданий тадбирлар ва аттракционлар зонаси. Бу зона боғнинг асосий функционал зоналаридан бири ҳисобланиб, унда оммавий маданий-оқартув, маърифий-маънавий тадбирлар ўтказишга мослашган очик майдонлар, катта гулзорлар ташкил этилади. Бу зона дарвозадан кирилгач, бош хиёбон бўйлаб юриб боғ марказида жойлаштирилгани маъқул. Катта аттракционларга турли хил ўйинқароқ ва дилни олувчи ўйинлар учун қурилмалар: қачелелар, сирпанчиқлар, автомобилчалар ва поездчалар учун қурилмалар, айланма, бурилма ўйинчоқ қурилмалар қиради.

Хўжалик зонаси боғнинг бир чеккасида жойлашиб, унда устахоналар, маъмурият ва ҳисобхона, россом ва дизайнер, гул парниклар жойлашади.

2.4. Махсус парклар ва боғлар

Болалар парклари. Уларнинг асосий вазифаси болаларнинг актив дам олишни ташкил этиш, жисмоний ривожаланишига ёрдам берши, уларнинг саргузаштларга, ижодий машғулотларга, экспериментларга бўлаган интилишини қондиришдан иборат. Болалар парки ландшафтида табиий шароит ва ҳайвонот дунёсини кўплаб хилма-хиллигини, иложи борича, акс эттирмақ мақсадга мувофиқдир.

Меъморий иншоотлар, майдончалар ва ускуналарнинг ўлчамларини ҳамма ёш гуруҳидаги болаларга ҳисоб қилмоқ керак. 2 ёшгача; 2-5; 6-7; 8-10; 11-13 ва катта ёшгача. Иншоотлар ўлчамлари ва экспозиция мавзуси ушбу ёшга мос келиши лозим.

Спорт парклари. Бу яшил ўсимликлар орасида жойлашган спорт, физкультура, маданий-оқартув иншоотлари комплексларидир, улар ўз тарикбига қисқа дам олиш жойларини ҳам олади. Меъморий-маконий композиция мусобакалар ва машқ-машғулотлар ўтказилиши шароитларига кўра аниқланади. Майдончалар, иншоотлар ўтиш жойлари ва аллеялар бу ерда бошқа парк турларига нисбатан ҳудуднинг анча каттароқ қисмини эгаллайди.

Гидропарклар, акво-парклар. Спор соғломлаштириш вазифасини бажарадилар. Уларнинг ташқи кўриниши очик сув хавзалари ва ангарлар, парусли ва моторли кайиқлар учун гаванлар, ёпик ва очик бассейнлар, ўзига хос сув аттракционлари, гидрокаруселлари, сув трамплинлари, сузиб юрадиган сахна майдончалари, ресторанлар, кўприклар ва аркон йўллари каби иншоотлар билан белгиланади [9].

Меъмориал парклар. Халқ учун хотира бўлиб қолган буюк тарихий ходисалар шарафига қурилади ва ўзининг монументал, тантанали характери билан бошқа махсус парклардан ажралиб туради. Бу ерда боғ парк композициясининг барча воситалари ёдгорликнинг ғояси ва мазмунини очиб беришга йўналтирилиши лозим. Бундай парклар ташқи кўринишининг етакчи чизиғи бўлиб монументал воситалардан кенг фойдаланиш, аниқ ўйланган ҳаракат графиги, ўсимликларни асосан регуляр жойлаштириш хизмат қилади [18].

Ботаника боғлари. Уларнинг хусусияти кўплаб функцияларнинг мураккаб уйғунлигидан иборат. Бу ватанимиз ва жаҳон флорасиресурларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот иши, боғдорчилик ва яшил қурилиш, маданий-оқартув фаолияти ва ниҳоят шаҳар аҳолисининг дам олишидир. Ботаника боғининг бош элементи-умумий ҳудудининг 50-70% ини эгалловчи ботаник экспозициялар қисмидир. Бу қисмда ўсимликлар маълум бир ботаник ва декоратив белгилар бўйича жойлаштириладилар.

Аттракцион парклар. Кўнгил очар индустрияси ривожланиши билан кенг тарқалдилар. Инсон томонидан ишлаб чиқаришда олинадиган стресслар,

фақатгина дам олиш жойларида табиат билан мулоқотда бўлибгина камаймасдан, шунингдек, оддий меҳнат ёки маиший шароитдан чалғитадиган, психологик жиҳатдан бўшалтирадиган, ижобий эмоциялар берадиган махсус кўнгил очар қурилмалар орқали ҳам амалга оширилади. Анъанавий аттракционлар паркига худди ярмаркадек ёндашилади, у ерда кўнгил очар комплекслари маълум бир стилистик характерга эгадирлар. Масалан, “космос”, “денгиз”, “эртақлар”, “этнографик” ёки “тарихий” асосни имитация қилиши мумкин [21].

Виставка парклари. Виставка парклари барча турларнинг умумий композицион асоси бўлиб келувчилар ҳаракатини экспозицияларни тўлиқ очиб бериш учун ташкил этишдан иборатдир. Экспонатларни томоша қилиш тартиби, уларни виставка мавзуси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш учун оптимал муҳит яратиш ҳар доим асосий вазифа бўлиб келган, аммо экспозиция объектларининг характери бутунлай турли хил меъморий маконий ечимларга олиб келади. Бунда ҳар қандай виставка паркида асосий экспозиция қисмидан ташқари ёрдамчи қисмлар-келувчилар дам олиши, маъмурий хўжалик, баъзи ҳолларда илмий қисмларни ажратиш мумкин [45].

Виставка паркларнинг турларидан бири этнографик тарихий-маданий экспозициялар билан танилган. Уларда халқ меъморчилиги, амалий санъат асарлари, анъанавий маиший ҳаёт намуналари намойиш этилади. Моҳияти жиҳатидан булар очик музейлардир, уларнинг экспонатлари ландшафт фонида қабул қилинади ва у билан узвий алоқада бўлади.

Зоологик парклар. Ўзининг функционал-тарихий тузилиши бўйича энг мураккабига киради. Уларнинг ҳудудида: экспозиция қисми умумий майдонининг 45-70%; парк қисми-15-35%; хизмат қисми-10% гача болалар қисми -10%гача; хўжалик қисми -0.5-3% гача илмий марказ-3% гача; ветеренар қисми -5 % гача қисмларни ажратиш тавсия этилади. Бунда ҳайвонлар экспозициясида уларнинг ритми ва биологик ҳаёт кечириш шароитлари бузилишига йўл қўймаслиги керак, бу ҳайвонларнинг

антогонистик турларини бир-биридан ажратиш орқали амалга оширилади. Келувчиларнинг хавфсизлиги, томоша қулайлиги, ҳамда ҳайвонлар яшаш жойлари табиий ландшафт фонини қайта тиклаш тўлиқ таъминланган бўлиши лозим [21].

Бу ерда ҳамма нарса танланган ҳайвонларни демонстрация қилиш тамойилига ва уларни томоша қилиш рационал вариантыга боғлиқ. Ҳозирги пайтда қисмларни “зоогеографик ёки экологик” тартибда жойлаштириш энг кўп қўлланиляпти. Бунда “зоогеографик” тамойилда ҳайвонлар дунё китъаларига (Европа, Африка ва ҳоказо) мос келадиган қисмларда намоиш этиладилар. “Экологик” тамойил бўйича ташкил этилган зоопаркларда ҳайвонлар уларнинг яшаш шароитлари бўйича намоиш қиладилар, “тайга қисми”, “чўл қисми”, “тоғ қисми” ва бошқа қисмлар ажратилади.

II-боб хулосаси

1. Маълумки, фуқаролар саломатлиги жамиятнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Инсон саломатлигини тиклашда, унинг ҳам маънавий ҳам жисмонан баркамол бўлишида, шунингдек унинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлашда боғларнинг аҳамияти беқиёсдир. Амир Темур ва темурийлар давридаёқ бу соҳага катта эътибор қаратганини “Чор боғ”лар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

2. Ҳозирги кунда кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз ҳудудида боғ-парк санъати намуналарини учратамиз. Уларнинг кўп қисми қайта таъмирланиб, халққа хизмат қиляпти. Аммо боғларнинг аксарият қисми эътиборга мухтож.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда чиқарган 322 - сонли “2011 – 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”

ги Қарори бу соҳа ривожига давлат миқёсида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

4. Умуман олганда, паркларни ривожлантиришга бўлган тизимли ёндошув давр талабига айланиб бормокда. Паркларга шаҳар ҳудудидаги бир яшил оролча сифатида эмас, балки шаҳарлар ва агломерациялар бош режалари таркибига кирувчи яшил таркибий элемент сифатида қараш вақти келди. Бу шаҳарларнинг ландшафт ташкил этиш комплекс режаларини тузишга жиддий киришиш лозимлигини тақозо этади.

5. Олий таълим тизимида сўнгги йилларда ландшафт архитекторлари, ландшафт дизайнерлари тайёрлаш масаласига эътибор кучайганлигини кўриш мумкин. Ландшафт архитекторлари, шаҳарсозлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар олдида турган вазифа – асрлар давомида боғ-парк санъати соҳасида қадимий Шарқ, Ўрта Осиё, Европа мамлакатлари ҳудудида тўпланган бой тажрибани замонавий талабларга мос равишда ўзлаштириб, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришга аризулик боғ-парк санъатининг янги намуналарини яратишдан иборатдир.

III-БОБ
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН БОҒ-ПАРК
САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР
ВА АНЪАНАЛАР

3.1. Замонавий боғ-парк санъати ва унинг ривожланишидаги
анъаналар

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ўзбек халқининг буюк алломаларидан Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобир Мирзо Аҳмад ал-Фарғоний, ат-Термизий, Жалолиддин Мангубердининг юбилейлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500, Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейлари халқаро кўламда, тантанавор ўтказиш ҳамда Тошкент ва республиканинг барча вилоятларида “Хотира ва қадрият” хиёбонларини ташкил қилиш муносабати билан қатор меъморий ва мемориал мажмуалар, боғ-хиёбонлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.



2-расм.

Таъкидлаш жоизки, бу ишларнинг барчаси Республика Президенти Ислон Каримовнинг эътиборида бўлди. Ана шу бунёдкорлик ишларида жахон ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг бадиий эстетик воситаларига амал қилиш ва Ўрта Осиёга хос боғ-истироҳатчилик санъатининг меросий услубларини қайта тиклаш масалаларига кенг эътибор берилди. Бунёд этилган меъморий иншоотлар, мемориаллар ва музейлар, боғ-хилбонларнинг аксарияти мунтазам симметрик режада ишланиб, уларнинг ҳуди очик ва ёпиқ яшил майдонлар, улардаги фавворалар, шаршаралар, гулзорлар, хилбонлар ва йўлаклар ҳамда мўъжаз меъморий шакллар буюк алломаларнинг тимсоли ифода этилган рамзий мажмуалардан иборат бўлди. Бу мемориал боғ-хилбонларнинг ҳар бири ўзларининг режавий маркази ва ҳажм-фазовий ечимидаги кулминациявий композицияларига эга бўлганлари ҳолда, уларда қўлланилган меъморий ечим, яшил дунё ва архитектуравий қурилиш материаллари орасидаги ўзаро уйғунлик самараси ушбу мажмуаларга тароват бағишлади. Бу мемориал мажмуаларнинг ҳудуди нисбатан катта бўлмай 2 гектардан то 5 гектаргача майдонни ташкил этди [27].



3-расм.

Айниқса, кейинги мустақиллик йилларида Ўзбекистон ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг ривожига учун яхши имкониятлар яратилди. Янгидан қурилган ва қайта тикланган кўркем жамоа бинолари ва ансамбллари эгаллаган ҳудудлар, айниқса, уларнинг бош тарзлари қошидаги меъморий муҳит, ушбу бинолар вазифаларига мослаштирилган ҳолда мўъжаз боғларга айлантирилди. Қуёш нури ярқираган сув юзларини ярайувчи фавворалар, поғонали бир-биридан гўзал шалолалар, ям-яшил гилам майсазорлар, улар узра ястанган гилам нусха гудзорлар, гулдор буталар, мўъжаз меъморий шакллар, дид билан ишланган ўриндиқлар, текис ва жозибадор, нақис тўшамалар шулар жумласидандир.



4-расм.

Тошкент Ғалаба истироҳат парки чегарасига туташган ва кўпдан бери қаровсиз ётган Анҳор каналининг соҳалари обод этилиб, бу жойда Тошкент Дисней парки лойиҳаси ишланди ва амалга оширилди. Парк Анҳор каналининг табиий соҳиллари ва улардан ҳосил бўлган табиий жилғалар ва кўллар ҳудудида жойлаштирилган ва ўнлаб гектар жойни эгаллаган. Парк болалар ва катталар учун улкан табиий томошагоҳда сунъий яратилган турли

ғаройиб ёввой ҳайвонлар дунёсини ҳам ташкил қилинган. Барча ҳайвонлар сунъий ҳаракатлантирилади ва табиий овозларига эга. Ҳар бир ҳайвон учун яратилган ландшафт у яшайдиган табиий муҳитни эслатади. Бу ерда ғорлар ва сув ости дунёси ҳайвонлари ҳам мавжуд. Хизмат кўрсатиш маданияти эса ўта юқори даражада ташкил қилинган.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг замонавий қадамлари бугунги кунда ғайри-табиий ва шошилишч услублар билан эмас, балки, босқичма-босқич ташланаётган бўлса-да, унинг истикболдаги тараққиёти порлоқ бўлишлиги учун тўлиқ имкониятлар яратилган.

3.2. Мустақиллик йилларида бунёд этилган боғ-парклар

Республикаимиз Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов 2002 йил Самарқандда бўлган чоғида шаҳарнинг Суғдиёна турар-жой массивида курилаётган дам олиш боғига ташриф буюриб, ини яратишда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдириган эди. Ўшандан буён мана ярам йилга яқин вақт ўтди.



5-расм.

Бу давр ичида сарқандликлар вилоят ҳокимьята раҳбарлигидаги Президентимиз кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириб, ушбу дам олиш боғининг меъморий-манзаравий, функциявий ва ландшафт ечимларини бекаму-кўст тугатиб, уни шу йили 9 май – Хотира ва қадрият кунида халқимизга тухфа этдилар.

Таъкидлаш зарурки, яқин ўтмишдаги собиқ иттифок даврида бу боғ ҳудуди қаровсиз ва кўримсиз бир ҳолга келган эди. Ундаги ташландиқ сув хавзасида ўспиринларнинг ҳатто сувга чўкишидек кўнгилсиз воқеалар рўй берган. Боғ ҳудудига иккита ўрта мактаб, тиббиёт бўқув юрти ва Суғдиёна турар жой масканининг қўшни жойлашишига қарамсдан боғда аҳолининг маданий дам олиши, спорт ва бошқа ўйинлар учун ҳеч қандай шароит йўқ эди. Фақат мустақиллик шарофати туфайлигина ушбу ҳудудга эътибор кучайтирилди. Вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан боғ қайта тикланиб, унга янгича файз ва манзара, ҳаётий эҳтиёжларга мос замонавий вазифалар берилди.



6-расм.

Боғдаги бажарилган ишларни тўрт қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси, боғдаги мавжуд сув ҳавзасини қайта ишлаб, уни замонвий “аквопарк”ка айлантириш. Шунга мос равишда заур жиҳозлар киритиб, уларни ўз жойларига ўрнатиш ва бадиий безаш. Иккинчиси, “болалар дунёси” боғи ва ёш ўспиринлар учун аттракционлар мажмуасини яратиш, турли ўйинлар учун жиҳозлар ўрнатиб, уларни эстетик-бадиий ва манзаравий безаш. Учинчиси, боғдаги мавжуд хиёбон ва чорбоғ ҳудудини қайта ишлаб, унда фахрий ва нуронийлар учун шарқона миллий боғ яратиш. Бу боғда нуронийлар чойхонаси, чаман ва гулзорлар, фавворалар, хиёбонлар ва кўшк-айвон, мевали боғзор ташкил қилиш. Тўртинчиси, бу Робинзон Крузо боғидир. Маълумки, инсоният жуда қадим замонларданбошлаб нафақат текис, балки қиялик ва тошлоқ жойларда ҳам мўъжаз боғлар ташкил қилган. Икки, уч ва ундан кўп хил тошлардан турли композициялар тузиб ўзига хос боғ ҳудуди, хужра, айвон ва альпиниялар яратган. Суғдиёна боғида ҳам ана шундай мўъжаз тошлоқ боғ яратилиб, унда Робинзон Крузо хужраси ишланган. Булардан ташқари бутун боғ ҳудуди бўйлаб кўкаламзорлаштириш ва ландшафт меъморчилиги ишлари: ҳудудни ободонлаштириш, йўл ва йўлакларга декоратив тўшовлар ётқизиш, боғ деворларини бадиийлаштириш, отма фавворалар ва му-



7-расм.

ҳитни декоратив ёруғлан-тириш учун ёритгичлар ўрнатиш, боғ рельефини бадиий-манзаравий безаш, майсазорлар ва гулзорларни шакллантириш, зарур муҳандислик жиҳозларини

ўрнатиш ва жойлаштириш, боғ дарвозасини тугатиш ва пардозлаш ишлари амалга оширилган.


Ушбу ишларни бажаришда Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг меҳнати ўзига хос бўлди. Улар томонидан боғ лойиҳаси бажарилиб, 30 га яқин катта-кичик ҳайкаллар, Голливуд шаҳарчаси, ҳинд филлари, Миср эҳромлари, динозаврлар, Аловуддин ажинаси, тимсоҳлар каби ўнлаб қизиқарли пластик бадий шакллар ишланди. Улар боғнинг “Болалар ва ўспиринлар дунёси” қисмига ўрнатилган. Меъмор-рассом Ахтам Бекмухаммедов ташаббуси ва муаллифлигида боғ деворлари ва айвонларига 5000 кв.м дан зиёдроқ бадий расмлар, ўнлаб боғ ҳайкаллари ишланган. Боғда мини зоопарк жойи, болалар сайри учун мини поезд ва велосипедлар релси ҳамда мини автомобиллар ҳайдаш учун очиқ айвон ҳам қурилган. Боғ ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, яшил партерлар, майсазорлар ва гулзорлар ишланган.



8-расм.

Боғда бажарилган ишлар негизида шаҳримизда гулчилик мактабини ва ландшафт архитектурасининг шаклланишини кўришимиз мумкин. Шу ишлар асосида шаҳримиздаги мавжуд коллежлардан бирини гулчилик соҳасига

айлантириш мақсадга мувофиқлиги сезилиб турибди. Шаҳримизда оранжеря ҳам йўқки, унинг ташкил бўлиши шаҳримиз аҳолиси ва ёшларда ландшафт маданиятини шакллантириш, муҳитини манзаравий эстетик безаш кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилади. Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтида ландшафт меъморчилиги, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида эса дендрология бўйича магистратуралар очиш долзарб масалага айланмоқда. Бу ишларнинг бошини бирлаштиришга ва мувофиқлаштиришга мутассади саналган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ёки бўлимининг ишлари тубдан қайта кўриб чиқилиши зарур. Шундагина нафақат боғларни, балки бошқа шаҳар майдонларини, пиёда йўлларни, нуфузли жамоат бинолари олдиларини гулзорлар ва замонавий яшил партерлар билан жиҳозлаш пайти келади.



9-расм.


Ўзбекистон миллий боғи. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи- Ўзбекистонда мамлакат миқёсидаги энг йирик маданият ва иттироҳат боғи. Майдони 69 га. 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йилиги тантаналари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан бунёд этилган [19].



10-расм.

Боғ билан Халқлар Дўстлиги саройи оралиғидаги ҳудудда лойиҳа асосида меъморий мажмуа юзага келтирилган. Мажмуа марказида фавворали айлана ҳовуз, амфитеатр шаклидаги томошабинлар жойлари ва сахна, каналлар устидаги кўприклар ва теппаликда ўрнатилган. Навоий ҳайкали, амфитеатрнинг икки ёнида Олий Мажлис ва “Наврўз” бинолари жойлашган. Миллий боғнинг янги қисми шарқона “чорбоғ” услубида лойиҳаланган мунтазам тартибли кенг ва шинам йўлаклардан иборат мумтоз композицияга эга. Ҳудуддаги табиий паст-баландликлардан оқилона фойдаланиб сўлим маскан, ажойиб манзара яратилган. Боғнинг муҳим таркибий қисми Алишер Навоий мемориал мажмуасидир.

Боғнинг тепалик қисмидаги айвон (ротонда) анъанавий услубда ишланган: устунларига ўрнатилган феруза гумбаз, унинг остида Навоийнинг маҳобатли ҳайкали қад кўтарган.



11-расм.

Мемориал мажмуага мармар зиналар оркали чиқилди. Миллий боғ худудидаги йирик жамоат бинолари-Халқлар Дўстлиги саройи, Олий Мажлис биноси, “Наврўз” ресторани, Абулқосим мадрасаси, айлана шаклидаги сахна ва амфитеатр уйғунликда яхлит мажмуа ҳосил қилади. Миллий боғдаги сув ҳавзалари, боғдан оқиб ўтган каналлар (2 та чархпалак ўрнатилган), фаворалар, кўкаламзорлар (терак, акация, арча, қарағай, тут, чинор ва бошқа майсазор ва гулзорлар) хушманзара кўринишга эга. Миллий боғ Тошкент шаҳрининг энг гўзал ва сўлим масканларидан бўлиб, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун қулайликлар яратилган: боғда Наврўз (2000 й.дан) ва Мустақиллик (2005 й.дан) байрамларининг бош танатаналари ҳамда халқ сайиллари ўтказилади, турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади. Миллий боғ 2005 йилда қайта таъмирланиб, яна ҳам кўркам қиёфага кирган [31].

Айниқса, кейинги мустақиллик йилларида Ўзбекистон ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг ривожига учун яхши имкониятлар яратилди. Янгидан қурилган ва қайта тикланган кўркам жамоа бинолари ва ансамбллари эгаллаган ҳудудлар, айниқса, уларнинг бош тарзлари қошидаги меъморий муҳит ушбу бинолар вазифаларига мослаштирилган ҳолда мўъжаз боғларга айлантирилди. Қуёш нурида ярқираган сув юзаларини яратувчи фавворалар, поғонали бир-биридан гўзал шалолалар, ям-яшил гилам

майсазорлар, улар узра ястанган гилам нусха гулзорлар, гулдор буталар, мўъжаз меъморий шакллар, дид билан ишланган ўриндиқлар, текис ва жозибадор, нафис тўшамалар шулар жумласидандир.



12-расм.

Тошкент Ғалаба истироҳат парки чегарасига туташган ва кўпдан бери қаровсиз ётган Анҳор каналининг соҳиллари обод этилиб, бу жойга Тошкент Дисней парки лойиҳаси ишланди ва амалга оширилди. Парк Анҳор кана-



13-расм.

лининг табиий соҳиллари ва улардан ҳосил бўлган табиий жилғалар ва кўллар ҳудудида жойлаштирилган ва ўнлаб гектар жойни эгаллаган. Парк болалар ва катталар учун улкан табиий томошагоҳда сунъий яратилган турли ғаройиб ёв-

войи ҳайвонлар дунёсини ҳам ташкил қилган.

Барча ҳайвонлар сунъий ҳаракатлантирилади ва табиий овозларига эга. Ҳар бир ҳайвон учун яратилган ландшафт у яшайдиган табиий муҳитни эслатади. Дид билан оройиш берилган парк ландшафти табиийлигича қолдирилган. Бу ерда ғорлар ва сув ости дунёси ҳайвонлари ҳам мавжуд. Хизмат кўрсатиш маданияти эса ўта юқори даражада ташкил қилинган.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг замонавий қадамлари бугунги кунда ғайри-табиий ва шошилиш услублар билан эмас, балки, босқичма-босқич ташланаётган бўлса-да, унинг истиқболдаги таррақиёти порлоқ бўлишлиги учун тўлиқ имкониятлар яратилган.

3.3. Мустақиллик йиллари боғ-паркларининг функциявий типологияси

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ўзбек халқининг буюк алломаларидан Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобир Мирзо, Аҳмад ал-Фарғоний, ат-Термизий, Жалолиддин Мангубердининг юбилейлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500, Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейларини халқаро кўламда, тантанавор ўтказиш ҳамда Тошкент ва республиканинг барча вилоятларида “Хотира ва қадрият” хиёбонларини ташкил қилиш муносабати билан қатор меъморий ва мемориал мажмуалар, боғ-хиёбонлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, бу ишларнинг барчаси Республика Президенти Ислам Каримовнинг эътиборида бўлди. Ана шу бунёдкорлик ишларида жаҳон ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг бадиий эстетик воситаларига амал қилиш ва Ўрта Осиёга хос миллий боғ-истироҳатчилик санъатининг меросий услубларини қайта тиклаш масалаларига кенг эътибор берилди. Бунёд этилган меъморий иншоотлар, меъмориаллар ва музейлар, боғ-хиёбонларнинг аксарияти мунтазам симметрик режада ишланиб, уларнинг ҳудуди очик ва ёпиқ яшил майдонлар, улардаги фавворалар, шаршаралар, гулзорлар, хиёбонлар ва

йўлаклар ҳамда мўъжаз меъморий шакллар буюк алломаларнинг тимсоли ифода этилган рамзий мажмуалардан иборат бўлди. Бу мемориал боғ-хиёбонларнинг ҳар бири ўзларининг режавий маркази ва ҳажм-фазовий ечимидаги кулминациявий композицияларига эга бўлганлари ҳолда, уларда қўлланилган меъморий ечим, яшил дунё ва архитектуравий қулилиш материаллари орасидаги ўзаро уйғунлик самараси ушбу мажмуаларга тароват бағишлади.



14-расм.

Айниқса, кейинги мустақиллик йилларида Ўзбекистон ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг ривожига учун яхши имкониятлар яратилди. Янгидан қурилган ва қайта тикланган кўркем жамоа бинолари ва ансамбллари эгаллаган ҳудудлар, айниқса, уларнинг бош тарзлари қошидаги меъморий муҳит ушбу бинолар вазифаларига мослаштирилган ҳолда мўъжаз боғларга айлантирилди. Қуёш нурида ярқираган сув юзаларини яратувчи фавворалар, поғонали бир-биридан гўзал шалолалар, ям-яшил гилам майсазорлар, улар узра ястанган гилам нусха гулзорлар, гулдор буталар, мўъжаз меъморий шакллар, дид билан ишланган ўриндиқлар, текис ва жозибадор, нафис тўшамалар шулар жумласидандир.



15-расм.

Тошкент Галаба истироҳат парки чегарасига туташган ва кўпдан бери қаровсиз ётган Анҳор каналининг соҳиллари обод этилиб, бу жойга Тошкент Дисней парки лойиҳаси ишланди ва амалга оширилди. Парк Анҳор каналининг табиий соҳиллари ва улардан ҳосил бўлган табиий жилғалар ва кўллар ҳудудида жойлаштирилган ва ўнлаб гектар жойни эгаллаган. Парк болалар ва катталар учун улкан табиий томошагоҳда сунъий яратилган турли ғаройиб ёввойи ҳайвонлар дунёсини ҳам ташкил қилган.



16-расм.

Барча ҳайвонлар сунъий ҳаракатлантирилади ва табиий овозларига эга. Ҳар бир ҳайвон учун яратилган ландшафт у яшайдиган табиий муҳитни эслатади. Дид билан оро-



17-расм.

Йиш берилган парк ландшафти табиийлигича қолдирилган. Бу ерда ғорлар ва сув ости дунёси ҳайвонлари ҳам мавжуд. Хизмат кўрсатиш маданияти эса ўта юқори даражада ташкил қилинган.



18-расм.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатининг замонавий қадамлари бугунги кунда ғайри-табиий ва шошилинич услублар билан эмас, балки, босқичма-босқич ташланаётган

бўлса-да, унинг истиқболдаги таррақиёти порлоқ бўлишлиги учун тўлиқ имкониятлар яратилган.

Мўъжаз боғларнинг замонавий типологиясини Г.В. Фирсова ва Н.В. Куши-новлар куйидаги гуруҳларга бўлади [9]:

1. Табиий манзара-вий боғлар, масалан бир хил гуллардан тузилган боғлар, сув ва суюқликни севувчи ўсимликлар, мохлар, узлуксиз гуллайдиган боғлар;

2. “Қуруқ боғлар”, кум, шағал, табиий тошлардан ташкил топган ва тупроқ намсизлигига вақтинча чидамли ўсимликлар, масалан, седумлар, молочалар, толстянкилар, кактуслар кабилар экиладиган мўъжаз боғлар;

3. Ҳайкаллардан тузилган мўъжаз боғлар;

4. Тошлоқ боғлар (рокарийлар, альпинарийлар, тошлоқ қирлар).

3.4. Замонавий боғ-парк санъати дизайни ва ўсимликларни танлаш

Ландшафт меъморчилигининг энг йирик объекtlари куйидагича тавсифланади: парклар, скверлар, хийбонлар, бульварлар, кўрикхоналар, пляжлар, соҳиллар, шаҳар майдонлари, сув ҳавзалари. Парклар кўп функцияли ва махсус паркларга бўлинади. Махсус парклар ўз навбатида дам олиш (рекрецион) парклари, илмий оқартув парклар, мемориал парклардан иборат. Улар шаҳар ҳудудида, шаҳар чеиларида ва шаҳардан ташқарида ташкил этилади.

Аҳоли яшаш пунктларида ва маҳаллаларда бугунги янги ечимдаги “мўъжаз- декоротив” боғлар вужудга келмоқда. Уларга куйидагилар мисол бўла олади: болалар боғи, услубий боғлар, оилавий боғлар, рельефли боғлар, алпинарийлар [32].

Шу ва бошқа боғ-паркларини ташкил этишда қўлланиладиган ўсимликлар ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳар бир иқлимий ҳудудда фақат ўзига мос бўлган ўсимликлар экилади.

Боғлардаги дарахт ва буталар қуйидагича ландшафт композицияларидан тузилган:

1. Солитер (якка ҳолатда)-акцент, доминант
2. Гуруҳ (оддий ва аралаш гуруҳ)- массив;
3. Қаторак (аллея)- бир ёки бир неча гуруҳ;
4. Массив (ғужум)-ўсимликларнинг ранги, тури ва шаклига қараб тузилади;
5. Кузатилган сунъий яшил композициялар (яшил тўсик, яшил девор, яшил кабинет, боскет)-оддий ва мураккаб геометрик шакллардан тузилади.

Юқоридаги ландшафт композициялари учун турли хил манзарали, мевали дарахтлар, буталардан фойдаланиш мумкин.демак, ўз навбатида Ушбу композицияли ўсимликлар экологик жиҳатдан қуйидаги ҳимоя вазмфасини бажаради:1. шовқиндан 2. зарарли газлардан 3. чанглардан 4. шамолдан 5. қуёшдан 6. ихота

Ландшафт меъморчилигининг энг нафис элементи ҳисобланган гуллардан қуйидаги гулзор композицияси тузилади: гулзорли партьерлар, клумба ва рабаткалар, пейзажли гулзорлар, гули массив, махсус гулзор.

Ландшафт меъморчилиги текислик ва нотекисликларда ташкил этилиб, рельефлар – “табиий” ва “сунъий” қияликлар, тепаликлар, чуқурликлар, қояликлардан тузилган. Ушбу рельефли композициялар, айниқса, ўзига хос тароватга эга бўлиб, ажралиб туради.

Ҳозирга келиб, ҳар бир мамлакатда ўз муҳитига, ўсимлик дунёсига мос равишда ландшафт дизайни тараққий этган, “ландшафт меъмори”, “ландшафт дизайнери” каби соҳаларда махсус кадрлар тайёрланмоқда.

Ушбу долзарб йўналиш бугунги кунда талаб даражасида эмаслиги сабабли, олий таълим муассасалари, янги таълим йўналишлари ва бўлимлари очилган.

Хулоса қилиб айтганда, ландшафт меъморлари ва дизайнерларининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- очик ва ёпиқ яшил муҳитларни лойихалаш ва уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш;
- уларни функциявий ва эстетик, эргономик, экологик талаблар асосида ташкил этиш;
- бадий муҳит яратишда инсоннинг эмоционал ҳолатларини ҳисобга олиш;
- инсонни табиатнинг бир бўлаги деб қараш.

III-боб хулосаси

1. Боғ-парк санъатида янги технологияларни қўллаш, хусусан очик яшил муҳитларнинг декоратив хусусиятларини янада ошириш мақсадида замонавий “Нур архитектураси”нинг янги қирраларидан фойдаланиш (масалан, ўзидан тунда ёруғ чиқарувчи бардюлар, гирляндлар, нурланувчи соябонлар, боғ-парк санъати объектлари худудининг тўшамаларига ётқизиладиган ўзидан тунда нур чиқарувчи плиталар, нурланувчи геопластикаларни) қўллаш орқали замонавий боғ ва паркларимиз архитектурасига янгича сифат бағишлашимиз мумкин.

Замонавий боғ-парк санъати объектлари, очик ва ёпиқ яшил муҳитлар манзарасини санъатимизнинг миллий қадриятлари асосида шакллантиришда тарихий синалган “Чорбоғ”, “Чорчинор” ва “Чорчаман” услубларини қўллашни таклиф қиламиз.

2. Мазкур ишланма ва илмий таклифларни **амалга ошириш** мақсадида қуйидаги ишларни таклиф этамиз:

- боғ-паркчилик санъатида “Чорбоғ” услубини қайта тиклаш концепциясини Зарафшон воҳаси вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига тақдим этиш:

- ушбу концепцияни Самарқанд шаҳридаги Саттепо даҳаси истирохат боғи, СамДАҚИ қошидаги Улуғбек дам олиш боғи ва Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлиги мажмуаси қошида ташкил

этиладиган меъморий миллий боғларни лойиҳалаш асосида апробациядан ўтказиш;

- ушбу боғларни бунёд этиш жараёнида Ўзбекистон боғ – паркчилик санъатининг “Чорбоғ” услубини амалда қайта тиклаш тадбирларини аниқлаш ва такомиллаштириш;

- концепцияни ушбу боғлар мисолларида амалиётга жорий қилиш орқали мазкур лойиҳаларга Имом ал-Бухорий ҳалқаро жамғармаси ва унинг Самарқанд бўлими, Самарқанд вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда “Ўзбектуризм” миллий компанияларини жалб этиш имкониятларини туғдириш.

3. Замонамизнинг ҳозирги тезкор ривожланаётган глобаллашуви шароитида Ўзбекистон минтақавий боғ-парк санъатини идентификациялаш мақсадида нафақат мавжуд муаммоларни таъкидлаш ва кўрсатиб бериш зарур, балки Республикада боғ-парк санъати тараққиётининг янги йўналишларини аниқлаштириш ва бу масалага минтақавий ёндашиш концепциясини ишлаб чиқиб, уни фан, амалиёт ва таълим тизимларига жорий қилмоқ керак.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

Ўтказилган тадқиқотларимиз асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон боғ-парк санъатининг тарихий илдизлари узок ўтмишга бориб тақалиб, ўлканинг табиий- иқлимий, тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий шарт-шароитларининг таъсири остида ва улар билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланган;

2. Ўрта асрларда Ўзбекистон боғ-парк санъатининг тизими шаҳарлар ичидаги яшил майдонлар ва боғлар, саройлар ва жамоат бинолари, масжидлар, мадрасалар қошидаги боғлар, хиёбонлар, шаҳар ташқарисидаги боғ-саройлар, чорбоғлар ва кўриқхоналардан ташкил топган;

3. Айти пайтда Ўзбекистон боғ-парк санъати ўрта асрларда кўшни мамлакатлар ва Буюк Ипак йўли орқали боғланган яқин ва узок Шарқ хориж мамлакатлари, шу жумладан ислом мамлакатлари билан узвий боғланишда шаклланган ва тараққий топган. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бироқ, Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан запт этилиши ва бу ўлкага бегона Европа маданияти ва социалистик Шўролар тизимининг кириб келиши Ўзбекистон боғ-парк санъатининг қадимги ва ўрта асрлардаги азалий тарихий қадриятларини амалиётдан сиқиб чиқарди, унинг ўрнига эса ўзбек халқига буткул ёт бўлган Европа боғ-парк санъатининг анъаналарини ва социалистик тизимга хос парклар тизимини олиб кирди. Албатта ҳар бир ишнинг салбий ва ижобий томонлари бўлганидек, бу соҳада ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон шаҳарларида қатор маданият ва истироҳат боғларининг яратилиши ҳамда бульварлар, скверларнинг шаклланиши ана шундай ижобий ўзгаришлар сафига кирди. Бироқ, улар Европа боғ-парк санъати тамойиллари асосида яратилди. Ўзбек халқининг бу соҳадаги миллий анъаналари унут бўлди, бу соҳани ўрганиш ва жонлантиришга бағишланган илмий изланишларнинг йўли қирқилди;

4. Ўрта Осиёнинг анъанавий боғ-парклари муайян меъморий тартиб ва режалар, манзаравий воситалар, бадий услублар ва ландшафт ечимлари асосида шакллантирилган. Аксарият боғларни меъморлар ва боғбонлар ҳукмдорларнинг буюртмалари асосида лойихалаб бунёд этган;

5. Ўзбекистон боғ-парк санъатини шакллантиришда асосан қуйидаги икки хил меъморий-режавий ва ландшафт композициялари қўлланилган:

- "Чорбоғ" композицияси, яъни мунтазам режали симметрик тартибли услуб;

- Эркин композиция, яъни эркин табиат кўринишидаги композициявий услуб.

6. Амир Темур ва Темурийлар даври, сўнгра хонликлар даври боғ-паркчилик санъатида "чорбоғ услуби" етакчи мавқени эгаллаган. Чорбоғ бу модулли (миқёсий) боғ бўлиб, ҳудудий элементлари бош режавий ўққа нисбатан мунтазам симметрик жойлашган, қисмлари тўрт ва ундан кўп бўлган бир-бирига тенг "чорчаман" ва "чаман"лардан тўзилган тартибли боғдир. Унда кичик модул ролини чаманлар бажарса, катта модул бу чорчамандир. Чорбоғ ўзининг режавий ечимига кўра инсон тафаккурининг энг олий тасаввуридаги жаннат боғига хос бўлган ҳандасавий уйғунлик назарияси ва модул тизимига асосланган;

7. Чорбоғ услубининг бир неча композициялари: чорбоғ, поғонасимон чорбоғ, чорбоғ ҳиёбон, чорчаман, чортоқ ва чорчинор турлари мавжуд бўлиб, улардан нафақат Мовароуннаҳр, балки Ўрта Шарқ халқларининг ҳам боғ-паркчилик амалиётида кенг фойдаланиб келинган;

8. Боғларнинг таркибий қисмлари: "яшил дунё", "сув дунёси", "ҳайвонот дунёси", боғ иморатлари ва оройишлар нафақат хандасавий, балки экологик уйғунлик тамойиллари асосида ҳам мутаносиблаштирилган;

9. Боғлардаги яшил дунё таркибига манзарали ва мевали дарахтлар, буталар, ўрта баҳордан кеч кузгача бирин-кетин очилувчи гуллар, ток ва майсалар кирган. Манзарали дарахтлар таркибига мирзатераклар, тол, чинор, сарв, мажнунтол, қайроғоч ва шамшотлар кирган. Улар ёрдамида боғда очик

ва ёпиқ хиёбонлар шакллантирилган. Мевали дарахтлардан олмаларнинг турли навлари, ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, тут ва бодомлар экиш, алоҳида узумзор ташкил қилиш, гуллардан ҳамиша баҳор, атиргуллар, бинафшалар, савсан, гулираъно, нилуфар, шаббуй, гултожихурос, аргун, садбарг, ханжарийларни экиш анъана бўлган;

10. Боғларнинг сув дунёси ариқлар, булоқлар, олти ва саккиз бурчакли ҳовузлар, фавворалар, шалолалар ва шаршарлардан тузилган. Ҳайвонот дунёси эса ёввойи ва хонақи ҳайвонлар, балиқлар, паранддалар ва қушлардан иборат бўлган;

11. Поғонасимон чорбоғлар ҳудуди рельефи, қиялик ва қирлардан иборат боғларда қулланилиб, боғ поғоналари тиргак деворлар, зинопоялар ва шалолалар билан боғланган.

Юқоридаги тадқиқотларимиз асосида қуйидаги **илмий натижаларга** эришилди:

- боғларнинг жойлашиши ва функциясига қараб тасниф тизими ишлаб чиқилди;
- боғларнинг меъморий-режавий ечимидаги услублар ва композициялар аниқланди;
- чорбоғ услубининг мазмуни ва моҳияти, меъморий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар очиқ берилди;
- чорбоғ услубини боғ-паркчилик санъати амалиётига қайта тиклаш концепцияси ишлаб чиқилди.

12. Боғ-парк санъатида янги технологияларни қўллаш, хусусан очиқ яшил муҳитларнинг декоратив хусусиятларини янада ошириш мақсадида замонавий “Нур архитектураси”нинг янги қирраларидан фойдаланиш (масалан, ўзидан тунда ёруғ чиқарувчи бардюорлар, гирляндлар, нурланувчи соябонлар, боғ-парк санъати объектлари ҳудудининг тўшамаларига ётқизиладиган ўзидан тунда нур чиқарувчи плиталар, нурланувчи геопластикаларни) қўллаш орқали замонавий боғ ва паркларимиз архитектурасига янгича сифат бағишлашимиз мумкин.

Замонавий боғ-парк санъати объектлари, очик ва ёпиқ яшил муҳитлар манзарасини санъатимизнинг миллий қадриятлари асосида шакллантиришда тарихий синалган “Чорбоғ”, “Чорчинор” ва “Чорчаман” услубларини қўллашни таклиф қиламиз.

13. Мазкур ишланма ва илмий таклифларни **амалга ошириш** мақсадида қуйидаги ишларни таклиф этамиз:

- боғ-паркчилик санъатида “Чорбоғ” услубини қайта тиклаш концепциясини Зарафшон воҳаси вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига такдим етиш;

- ушбу концепцияни Самарқанд шаҳридаги Саттепо даҳаси истирохат боғи, СамДАҚИ қошидаги Улуғбек дам олиш боғи ва Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлиги мажмуаси қошида ташкил этиладиган меъморий миллий боғларни лойиҳалаш асосида апробациядан ўтказиш;

- ушбу боғларни бунёд етиш жараёнида Ўзбекистон боғ – паркчилик санъатининг “Чорбоғ” услубини амалда қайта тиклаш тадбирларини аниқлаш ва такомиллаштириш;

- концепцияни ушбу боғлар мисолларида амалиётга жорий қилиш орқали мазкур лойиҳаларга Имом ал-Бухорий ҳалқаро жамғармаси ва унинг Самарқанд бўлими, Самарқанд вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда “Ўзбектуризм” миллий компанияларини жалб этиш имкониятларини туғдириш.

14. Замонамизнинг ҳозирги тезкор ривожланаётган глобаллашуви шароитида Ўзбекистон минтақавий боғ-парк санъатини идентификациялаш мақсадида нафақат мавжуд муаммоларни таъкидлаш ва кўрсатиб бериш зарур, балки Республикада боғ-парк санъати тараққиётининг янги йўналишларини аниқлаштириш ва бу масалага минтақавий ёндашиш концепциясини ишлаб чиқиб, уни фан, амалиёт ва таълим тизимларига жорий қилмоқ керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. **Каримов И.А.** Ватан барчамиз учун муқаддасдир. – Тошкент, 1996.
2. **Каримов И.А.** Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том.
- Тошкент, 1999.
3. **Каримов И.А.** Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, 2007.
4. **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент, 2009.
5. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрь “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора тadbирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 322-сонли Қарори. // Халқ сўзи газетаси, №74, 2010.
6. **Адилова Л.А.** Миссия ландшафтной архитектуры. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзусидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010.
7. **Адилова Л.А.** Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма.-Т., 2000.
8. **Бурлуцкая Л. В., Петрова С.Г.** Каменные сады.-М.-Р.н.Д., 2005
9. **Вергунов А.П., Денисов М.Ф., Ожегов С.С.** Ландшафтное проектирование.-М.1991
10. **Гарнизоненко Т.С.** Справочник современного ландшафтного дизайна.-Ростов- на-Дону, 2005
11. **Генрих Бельц.** Фигурная стрижка деревьев.-М., 2008
12. **Горбачев В.Н.** Архитектурно-художественные компоненты озеленения городов.- М., 1983
13. **Голлвисцер Г., Вирсинг В.** Сады на крышах.- М., 1972
14. **Домидонтова В.В.** История садово-парковых стилей. Учебное пособие. М., 1985

15. Жонузоқов А.Э. Дарахт ва буталарни ландшафт композициясида ўзаро қўллаш. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010.

16. Жонузоқов А.Э, Ўрунова Н.Х. Ландшафт композициясида бадиий хунармандчилик элементларининг ўрни. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010.

17. Залеская Л. Озеленения городов Средней Азии. Академия Архитектуры СССР, - М., 1944.

18. Залеская Л.С., Микулина Е.М. Ландшафтная архитектура. М., 1979

19. Иконников А.В., Асс Е.В., Любимова Г.Н., Солдатов В.М. Дизайн и архитектура.–М., 1984.

20. Камилова Х.Х. Необходимость новых концепций паркостроения в условиях рыночных отношений Узбекистана.// Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010.

21. Кларк Э. Искусство исламского сада.// Пер. с.англ.-М.: “Ниола-Пресс”, 2008.

22. Крижановская Н.Я. Основы ландшафтного дизайна.-Ростов-на-Дону, 2005.

23. Лихачев Д.С. Поэзия садов.-Л., 1982.

24. Машинский В.Л. История ландшафтной архитектуры.-М., 2006.

25. Норбўтаев Ф. “Самарқанд” газетаси. 5-март сони. 2010.

26. Ожегов С.С., Уралов А.С., Рахимов К.Ж. Ландшафт архитектураси ва дизайни.-Самарқанд, 2003 .

- 27. Писарчик А.К.** Народная архитектура Самарканда.– Душанбе, 1975.
- 28. Приходько П.И.** Ландшафтная композиция малого сада.-Киев, 1976.
- 29. Рюи Гансалес де-Клавихо.** «Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403-1406 гг» Перевод под редакции И.И. Срезневского.– СП/Пб., 1881.
- 30. Сатторов Т.** Самарқанд кўркининг жамоли. // Самарқанд газетаси. №1. 2010 й.
- 31. Сирожев У.** Самарқанднинг қайта туғилиши. // Зарафшон газетаси. № 1. 2010 й
- 32. Сатторова К.Д.** Роль источников водоснабжения в формировании ландшафта исторических городов Узбекистана. //Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2010.
- 33. Сычева А.В.** Ландшафтная архитектура. –М., 2007.
- 34. Уралов А.С.** Анъанавий ўзбек боғининг маънавий дастурини яратиш ҳақида //Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.-Самарқанд: СамДАҚИ, 2010.
- 35. Уралов А.С.** Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. – Самарқанд, 2011.
- 36. Қурбонов Ў.** Самарқанд бунёдкорларининг тухфаси. // Самарқанд газетаси. №2. 2010 й.
- 37. Ҳайдаров А.** Уйларимиз қиёфаси. “Зарафшон” газетасининг 2011 йил 26 март сони.
- 38.** Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-том. –Тошкент, 2002.
- 39.** Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-том. –Тошкент, 2005.


Интернет сайтлари


- 40. [http:// www. Landstyle.ru](http://www.Landstyle.ru)
- 41. sad@sad.ru
- 42. [http:// www.sadtorg.ru](http://www.sadtorg.ru)
- 43. [www_uznature_uz.hiv](http://www.uznature.uz)
- 44. www.Gardener.ru
- 45. [www.http://landscape design.ru](http://landscape.design.ru)











Индивидуальный коттедж
(мастерская ТАМАХ).



Ҳурматли Давлат аттестация комиссиясининг раиси ва аъзолари, узтозлар!

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа соҳаларидаги каби, боғ-истироҳатчилик санъатида ҳам унут бўлган ва тофталган миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, уларни ўрганиш ва аниқлаш, боғ-истироҳатчиликдаги илғор тарихий тажрибаларимизни амалиётга тадбиқ қилиш, уларни замонавий умумжаҳон тажрибалари билан мувофиқлаштириш каби долзарб вазифалар қўйилмоқдаки, булар бугунги кунда нафақат ландшафт архитекторлари ва меъморлар учун, балки шаҳарсозлар, экологлар, боғбонлар, дизайнерлар, муҳандислар учун ҳам долзарбдир.

Боғ-паркларнинг турли мамлакатлардаги ривожини турли даврларда турлича кечган бўлса-да, уларнинг шаклланиши ҳамма вақт жойлардаги муайян табиий-иқлим шароитларга, иқтисодий, маданий, диний эътиқодларга, инсонларнинг атроф муҳит ва табиатга бўлган муносабатига жиддий боғлиқ бўлган. Юқорида келтирилган маълумотлар боғ-парк санъатининг ўзига хослигини ва уни кунт билан ўрганишни тақазо этади.

Замонамизнинг ҳозирги тезкор ривожланаётган глобаллашуви шароитида Ўзбекистон минтақавий боғ-парк санъатини идентификациялаш мақсадида нафақат мавжуд муаммоларни таъкидлаш ва кўрсатиб бериш зарур, балки Республикада боғ-парк санъати тараққиётининг янги йўналишларини аниқлаштириш ва бу масалага минтақавий ёндашиш концепциясини ишлаб чиқиб, уни фан, амалиёт ва таълим тизимларига жорий қилмоқ керак.

Мавзунинг ўрганилиш даражси. Ўзбекистонда “Боғ-парк санъати” мавзусига доир адабиётлар сони жуда кам.

Ушбу мавзуга доир ўзбек тилида нашр этилган адабиётлар қаторига Ў. Алимовнинг «Ўрта асрларда Моваронуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи» (Т., 1984), Д.Нозиловнинг “Чорбоғ” (Т., 1997), Л.А.Адилованинг «Ландшафт архитектураси» (Т., 2002), С.С.Ожегов, А.С.Уралов, К.Рахимовларнинг “Ландшафт архитектураси ва дизайни” (С., 2003) номли китобларини киритиш мумкин.

Мазкур масала бўйича турли даврларда Ўзбекистонда нашр этилган рус ва ўзбек тилларидаги қатор илмий ва оммабоп мақолалар мавжудки, уларнинг муаллифлари тарзида Г.А. Пугаченкова, М.С. Булатов, М.С. Тахтаходжаева, Т.Ф. Қодирова, А.С.Ўралов, К.Д.Рахимов, М.К. Ахмедов, П.Ш. Зоҳидов, Г.И.Коробовцев ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ҳар бир ўлка ва мамлакатнинг бу соҳадаги ўз тажриба ва меъморий-бадий, ландшафт услублари, тартиб-қоидалари борки, уларни ўрганиш фойдадан ҳоли эмасдир.

Тадқиқотнинг янгилиги. Мазкур мавзу ва илмий муаммо Ўзбекистон шаҳарсозлиги ва боғ-парк санъатига доир илму-фанда илк бор магистрлик диссертацияси ҳажми ва мавзуси тарзида тадқиқ этилган. Унда Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг шаклланиши ва ривожланиш тамойиллари илк бор ишлаб чиқилган ва таҳлил қилинган. Бунда Ўзбекистон халқининг боғ-парк санъати соҳасидаги тарихий миллий қадриятлари ва замонавий анъаналари ҳисобга олинган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот чегаралари мазмуний, географик ва хронологик доираларни ўз ичига олиб, мазмун жиҳатидан Ўзбекистон боғ-парк санъатининг шаклланиш ва ривожланишига таъсир қилувчи барча омилларни қараб чиқиш, географик назардан Ўзбекистон тарихий-маданий минтақасини, унга қўшни бўлган республикалар ва хорижий Шарқ давлатлари боғ-парк санъати тажрибаларини, хронологик нуқтаи назардан эса қадимги даврлардан тортиб то ҳозирги кунларгача бўлган ривожланиш босқичларини қамраб олади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқотнинг хулосалари ва тақлифлари мавзуга доир илмий ишларда, Республика боғ-парк санъати амалиётида, боғ-паркларни лойиҳалаш ва қуришда ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик, ландшафтлар

архитектураси таълимлари тизимида ва ушбу таълимлар мутахассисликларининг ўқув жараёнида фойдаланиши мумкин.

Ишнинг апробация-синовдан ўтганлиги. Диссертациянинг асосий ҳолатлари қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган:

-“Ўзбекистонда анъанавий меъморчилик ва ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг янги масалалари” (Самарқанд, СамДАҚИ, 2010);

-“СамДАҚИ ёш олимлари, аспирантлари, магистрлари ва иқтидорли талабаларининг илмий конференцияси” (Самарқанд, СамДАҚИ, 2010, 2011).

Диссертациянинг таркиби кириш, 3 та боб, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми ____ бет. Низомга кўра диссертация иши А4 (21x29) формат қоғозда компьютерда 1.5 интервалда, 14 шрифтда ёзилди.

Тадқиқотнинг I-боби **“Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг шаклланиш тарихи”** деб номланиб, унда Ўрта Осиёнинг қадимги боғлари, Ўзбекистоннинг ўрта асрлардаги боғ-парклари, Хонликлар даври боғ-парклари, Чор Россияси ҳукмронлиги давридаги боғ-парклар каби масалалар баён қилинган ва қараб чиқилган.

Диссертациянинг II-боби **“Собиқ Иттифок даврида боғ-парк санъатининг шаклланиш анъаналари”** деб аталади. Ўзбекистоннинг Собиқ Иттифок давридаги боғ-паркчилик санъати, Боғ-паркларнинг тасниф-тизими, Истироҳат ва маданият боғларининг меъморий шаклланиш асослари каби масалалар тадқиқ қилинган ва ушбу масалалар ечимига хос тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг **“Мустақиллик йилларида Ўзбекистон боғ-парк санъатининг ривожланишидаги асосий тамойиллар ва анъаналар”** деб номланган III-бобида Замонавий боғ-парк санъати ва унинг ривожланишидаги анъаналар, Мустақиллик йилларида бунёд этилган боғ-парклар, Мустақиллик йиллари боғ-паркларининг функциявий типологияси, Замонавий боғ-парк санъати дизайни ва ўсимликларни танлаш баён этилган.

Диссертациянинг **якуний қисмида** ўтказилган тадқиқотимиз натижалари ва улар асосида ишлаб чиқилган комплекс таклифлар баён этилган. Улар презентацияда алоҳида планшет тарзида кўрсатилган:

1. Ўзбекистон боғ-парк санъатининг тарихий илдизлари узок ўтмишга бориб тақалиб, ўлканинг табиий- иқлимий, тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий шарт-шароитларининг таъсири остида ва улар билан бевосита боғлиқ ҳолда шакллانган;

2. Ўрта асрларда Ўзбекистон боғ-парк санъатининг тизими шаҳарлар ичидаги яшил майдонлар ва боғлар, саройлар ва жамоат бинолари, масжидлар, мадрасалар қошидаги боғлар, хиёбонлар, шаҳар ташқарисидаги боғ-саройлар, чорбоғлар ва кўриқхоналардан ташкил топган;

3. Айни пайтда Ўзбекистон боғ-парк санъати ўрта асрларда қўшни мамлакатлар ва Буюк Ипак йўли орқали боғланган яқин ва узок Шарқ хориж мамлакатлари, шу жумладан ислом мамлакатлари билан узвий боғланишда шакллانган ва тараққий топган. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бироқ, Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан запт этилиши ва бу ўлкага бегона Европа маданияти ва социалистик Шўролар тизимининг кириб келиши Ўзбекистон боғ-парк санъатининг қадимги ва ўрта асрлардаги азалий тарихий қадриятларини амалиётдан сиқиб чиқарди, унинг ўрнига эса ўзбек халқига буткул ёт бўлган Европа боғ-парк санъатининг анъаналарини ва социалистик тизимга хос парклар тизимини олиб кирди. Албатта ҳар бир ишнинг салбий ва ижобий томонлари бўлганидек, бу соҳада ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон шаҳарларида қатор маданият ва истироҳат боғларининг яратилиши ҳамда бульварлар, скверларнинг шаклланиши ана шундай ижобий ўзгаришлар сафига кирди. Бироқ, улар Европа боғ-парк санъати тамойиллари асосида яратилди. Ўзбек халқининг бу соҳадаги миллий анъаналари унут бўлди, бу соҳани ўрганиш ва жонлантиришга бағишланган илмий изланишларнинг йўли қирқилди;

4. Ўрта Осиёнинг анъанавий боғ-парклари муайян меъморий тартиб ва режалар, манзаравий воситалар, бадий услублар ва ландшафт ечимлари асосида шакллантирилган. Аксарият боғларни меъморлар ва боғбонлар ҳукмдорларнинг буюртмалари асосида лойихалаб бунёд этган;

5. Ўзбекистон боғ-парк санъатини шакллантиришда асосан қуйидаги икки хил меъморий-режавий ва ландшафт композициялари қўлланилган:

- "Чорбоғ" композицияси, яъни мунтазам режали симметрик тартибли услуб;
- Эркин композиция, яъни эркин табиат кўринишидаги композициявий услуб.

6. Амир Темур ва Темурийлар даври, сўнгра хонликлар даври боғ-паркчилик санъатида "чорбоғ услуби" етакчи мавқени эгаллаган. Чорбоғ бу модулли (миқёсий) боғ бўлиб, ҳудудий элементлари бош режавий ўққа нисбатан мунтазам симметрик жойлашган, қисмлари тўрт ва ундан кўп бўлган бир-бирига тенг "чорчаман" ва "чаман"лардан тўзилган тартибли боғдир. Унда кичик модул ролини чаманлар бажарса, катта модул бу чорчамандир. Чорбоғ ўзининг режавий ечимига кўра инсон тафаккурининг энг олий тасаввуридаги жаннат боғига хос бўлган ҳандасавий уйғунлик назарияси ва модул тизимига асосланган;

7. Чорбоғ услубининг бир неча композициялари: чорбоғ, поғонасимон чорбоғ, чорбоғ ҳиёбон, чорчаман, чортоқ ва чорчинор турлари мавжуд бўлиб, улардан нафақат Мовароуннахр, балки Ўрта Шарқ халқларининг ҳам боғ-паркчилик амалиётида кенг фойдаланиб келинган;

8. Боғларнинг таркибий қисмлари: "яшил дунё", "сув дунёси", "ҳайвонот дунёси", боғ иморатлари ва оройишлар нафақат ҳандасавий, балки экологик уйғунлик тамойиллари асосида ҳам мутаносиблаштирилган;

9. Боғлардаги яшил дунё таркибига манзарали ва мевали дарахтлар, буталар, ўрта баҳордан кеч кузгача бирин-кетин очилувчи гуллар, ток ва майсалар кирган. Манзарали дарахтлар таркибига мирзатераклар, тол, чинор, сарв, мажнунтол, қайроғоч ва шамшотлар кирган. Улар ёрдамида боғда очиқ ва ёпиқ ҳиёбонлар шакллантирилган. Мевали дарахтлардан олмаларнинг турли навлари, ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, тут ва бодомлар экиш, алоҳида узумзор ташкил қилиш, гуллардан ҳамиша баҳор, атиргуллар, бинафшалар, савсан, гулираъно, нилуфар, шаббуй, гултожихурос, аргун, садбарг, ҳанжарийларни экиш анъана бўлган;

10. Боғларнинг сув дунёси ариқлар, булоқлар, олти ва саккиз бурчакли ҳовузлар, фавворалар, шалолалар ва шаршарлардан тўзилган. Ҳайвонот дунёси эса ёввойи ва хонақи ҳайвонлар, балиқлар, паранддалар ва қушлардан иборат бўлган;

11. Поғонасимон чорбоғлар ҳудуди рельефи, қиялик ва қирлардан иборат боғларда қулланилиб, боғ поғоналари тиргак деворлар, зинопоялар ва шалолалар билан боғланган.

Юқоридаги тадқиқотларимиз асосида қуйидаги **илмий натижаларга** эришилди:

- боғларнинг жойлашиши ва функциясига қараб тасниф тизими ишлаб чиқилди;
- боғларнинг меъморий-режавий ечимларида услублар ва композициялар аниқланди;
- чорбоғ услубининг мазмуни ва моҳияти, меъморий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар очиқ берилди;
- чорбоғ услубини боғ-паркчилик санъати амалиётига қайта тиклаш концепцияси ишлаб чиқилди.

12. Боғ-парк санъатида янги технологияларни қўллаш, хусусан очиқ яшил муҳитларнинг декоратив хусусиятларини янада ошириш мақсадида замонавий "Нур архитектураси"нинг янги қирраларидан фойдаланиш (масалан, ўзидан тунда ёруғ чиқарувчи бардюлар, гирляндлар, нурланувчи соябонлар, боғ-парк санъати объектлари ҳудудининг тўшамаларига ётқизиладиган ўзидан тунда нур чиқарувчи плиталар, нурланувчи геопластикаларни) қўллаш орқали замонавий боғ ва паркларимиз архитектурасига янгича сифат бағишлашимиз мумкин.

Замонавий боғ-парк санъати объектлари, очик ва ёпик яшил муҳитлар манзарасини санъатимизнинг миллий қадриятлари асосида шакллантиришда тарихий синалган “Чорбоғ”, “Чорчинор” ва “Чорчаман” услубларини қўллашни таклиф қиламиз.

13. Мазкур ишланма ва илмий таклифларни **амалга ошириш** мақсадида куйидаги ишларни таклиф этамиз:

- боғ-паркчилик санъатида “Чорбоғ” услубини қайта тиклаш концепциясини Зарафшон воҳаси вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига тақдим етиш;

- ушбу концепцияни Самарқанд шаҳридаги Саттепо даҳаси истирохат боғи, СамДАҚИ қошидаги Улуғбек дам олиш боғи ва Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлиги мажмуаси қошида ташкил этиладиган меъморий миллий боғларни лойиҳалаш асосида апробациядан ўтказиш;

- ушбу боғларни бунёд етиш жараёнида Ўзбекистон боғ –паркчилик санъатининг “Чорбоғ” услубини амалда қайта тиклаш тадбирларини аниқлаш ва такомиллаштириш;

- концепцияни ушбу боғлар мисолларида амалиётга жорий қилиш орқали мазкур лойиҳаларга Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва унинг Самарқанд бўлими, Самарқанд вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда “Ўзбектуризм” миллий компанияларини жалб этиш имкониятларини туғдириш.

14. Замонамизнинг ҳозирги тезкор ривожланаётган глобаллашуви шароитида Ўзбекистон минтақавий боғ-парк санъатини идентификациялаш мақсадида нафақат мавжуд муаммоларни таъкидлаш ва кўрсатиб бериш зарур, балки Республикада боғ-парк санъати тараққиётининг янги йўналишларини аниқлаштириш ва бу масалага минтақавий ёндашиш концепциясини ишлаб чиқиб, уни фан, амалиёт ва таълим тизимларига жорий қилмоқ керак.

Мен маърузамни тугатдим. Эътиборларигиз учун катта раҳмат!